


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 29 август, № 183-184 (7685-7686) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# СЕН — ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

## КАСАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ЁРДАМГА МУҲТОЖЛАРГА КЎМАКЛАШИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 август куни умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув йилига тайёргарлик масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус билан боғлиқ вазиятга тўхталди.**

Жорий ҳафтада кунига ўртача 370 та янги бемор аниқлангани, карантин талаблари юмшатилган ҳозирги шароитда ушбу рақам назорат кўрсаткичи бўлиши қайд этилди.

Президент ҳақиқий ҳолат бўйича рақамларни яширишга мутлақо йўл қўймаслик тўғрисида барча раҳбарларни огоҳлантирди. Бунга уриниш жиноий жавобгарликкача бўлган қатъий чораларга олиб келиши мумкинлиги таъкидланди.

Ҳокимлар, сектор раҳбарлари ҳамда мутасадди идоралар ходимлари ҳар бир маҳаллада, жамоат жойлари, транспорт ва корхоналарда санитария талаблари бажарилиши бўйича темир интизомни таъминлаши зарурлиги айтиб ўтилди. Айниқса, тўй-маросимларни бир неча кун давомида ёки бир кунда 3-4 марта ўтказиш ҳолатларига чек қўйиш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Коронавирусга чалинган беморларни дунёдаги энг илғор ва ишончли усуллар билан даволаш учун барча чоралар кўрилаётгани, жумладан, ҳозирги пайтда Россия, Германия, Туркия, Хитойдан 75 нафар юқори малакали шифокор юртимизда иш олиб бораётгани таъкидланди.

**— Инфекцияни юқтирмаслик, аввало, ўзимизга, ўз соғлиғимизга бўлган эътиборимизга, оиламиздаги муҳитга боғлиқ. Агар ҳамма, бутун жамиятимиз тозалик, тиббий ҳимоя ва ижтимоий масофа қоидаларига амал қилса, касаллик кўпаймайди, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Йиғилишда кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам бериш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Шу мақсадда 26 август куни давлатимиз раҳбарининг "Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги яна бир қарори қабул қилинган эди.

Қарорга кўра, кўмакка муҳтож оилаларнинг болаларини қишки кийим-бош, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш мақсадида "темир дафтар"га киритилган, боқувчисини йўқотган ва ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болаларга 500 минг сўмдан ёрдам пули берилади. Ушбу моддий ёрдам билан жами 810 мингдан зиёд болалар қамраб олинади. Бунинг учун 400 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағлари ажратилди.

Боқувчисини йўқотган оилалардаги ва ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болалар бўйича аниқ ҳисоб-китоблар мавжуд бўлиб, тўловлар Пенсия жамғармаси томонидан пенсия ва нафақага қўшиб берилади. Бу жуда қулай, чунки тизим бор.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, ҳокимлар ҳамда сектор раҳбарларига ёрдам пулларини муҳтож оилаларга адолатли, очиқ ва тўғри етказиб бериш, ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмаслик юзасидан топшириқлар берилди. Аҳоли билан учрашиб, ушбу маблағлар ҳақиқатда ёрдамга муҳтож болаларнинг баркамол ривожланиши ва соғлиғи учун сарфланиши зарурлигини тушунтириш вазифаси қўйилди.

## ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 28 август куни умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув йилига тайёргарлик масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Бутун дунёга ёйилган коронавирус пандемияси таълим соҳаси олдига ҳам янги муаммо ва талабларни қўймоқда. Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси аниқланганидан сўнг, 16 мартдан бошлаб, анъанавий таълим жараёнлари вақтинчалик тўхтатилган эди. Болалар уй шароитида онлайн таҳсил олди.

Янги ўқув йили яқинлашгани сари барча ота-оналарни ўқиш қачон ва қай тарзда бошланиши қизиқтирмоқда. Бугунги кунда мактаб ўқувчилари сони олти миллион икки юз мингдан зиёдлиги инобатга олинса, юртимизда бу масалага бефарқ оила йўқлигини айтиш мумкин.

Шу боис давлатимиз раҳбари ҳукуматга бу борада халқ фикрини билиш, ота-оналар ва муаллимлар билан маслаҳатлашган ҳолда, ҳар томонлама чуқур ўйланган қарор қабул қилиш бўйича кўрсатма берган эди.

Шу мақсадда, Халқ таълими вазирлиги томонидан алоҳида сўровнома тузилиб, ҳар бир ота-онанинг фикри батафсил ўрганилди. Бу тадбирда 5 миллион 500 минг нафар ота-она иштирок этди. Уларнинг 76 фоизи таълим жараёнини мактабга қатнаган ҳолда, яъни анъанавий шаклда олиб бориш тарафдори бўлган. 24 фоизи эса масофавий шаклда — теледарслар орқали давом эттиришни маъқул кўришган.

Бундан ташқари, мазкур масала юзасидан дунёдаги вазият ҳам ўрганилди. Куни кеча Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти раҳбари Тедрос Гебрейесус дунёда коронавирус касаллиги яна икки йилгача давом этиши мумкинлигини билдирди. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш пандемия сабабли кўп давлатларда тўхтаб қолган таълим жараёни оқибатлари келгусида дунё ҳамжамияти учун ўта оғир бўлиши мумкинлигини айтди. Бу дегани барчамиз пандемия шароитида коронавирус билан яшаш, ишлаш ва фарзандларимизни ўқитишга тайёр бўлишимиз керак.

Ўқитувчилар билан ўтказилган мулоқотларда ҳам аксарият педагоглар болажонларнинг кўзи ва қалбларини соғинганини, таълим ва тарбия беришга тайёр эканини, мактаблар очилишини орзиқиб кутаётганини билдиришган.

Шу хулосалардан келиб чиқиб, мактабларда таълим жараёнини бир вақтнинг ўзида икки хил шаклда ташкил этишга қарор қилинди. Яъни, аксарият ота-оналар талабига кўра анъанавий, шу билан бирга масофавий шаклда йўлга қўйилади.

**— Мендан бугунги кун қаҳрамонлари ким деб сўрашса, бу соғлиқни сақлаш ходимлари билан бир қаторда ҳурматли устозларимиз, деб айтган бўлар эдим, — деди Президент йиғилишда.**

Давлат раҳбари жамиятда ўқитувчи ва устозларнинг обрўйини кўтаришга эътибор талаб даражасида эмаслигини таъкидлади.

**— Бу ерда гап фақат моддий рағбат ҳақида эмас. Биз ўзини ёшлар таълим-тарбиясига бағишлаган ҳар бир фидойи муаллимга нисбатан юксак ҳурмат-эҳтиром муҳитини шакллантиришимиз керак. Битта болани 11-синфгача тарбиялаб, вояга етказиш қанча машаққат?! Айниқса, синф раҳбарларига кўп нарса боғлиқ, биз уларни эшитишимиз, қўллаб-қувватлашимиз керак. Мактабда ўзгариш бўлмас экан, ҳеч қайси соҳада ўзгариш бўлмайди, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Ўқитувчи ва шифокорларнинг фидойи меҳнати, юксак хулқ-атвори намунасини намоён этиш мақсадида тўлиқ метражли фильм ва сериаллар, уларнинг фаолияти ҳақида кўрсатувлар ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Видеоселектор йиғилишида пандемия шароитида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича долзарб чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Туман ва шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарларига мактабларни санитария талабларига мувофиқ, бирламчи воситалар билан тўлиқ таъминлаш вазифаси қўйилди. Санитария хизмати марказлари 5 сентябрга қадар ўз ҳудудидаги мактабларнинг янги ўқув йилига тайёрлик ҳолатини ўрганиб, жамоага қўшимча ўқув-тренинглар ўтади. Бундан мақсад — мактабларга амалий ёрдам кўрсатиб, ота-оналарнинг кўнглини хотиржам қилишдир.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ўз туманидаги эпидемиологик шароитдан келиб чиқиб, мактаблар фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан тегишли қарор қабул қилади.

Халқ таълими вазирлигига ота-оналар ҳамда маҳаллий Кенгашлар таклифларидан келиб чиқиб, янги ўқув йилини 14 сентябрдан бошлаш, мактабларда ҳаракатлар схемасини ишлаб чиқиб, тажрибадан ўтказиш бўйича топшириқ берилди.

Бу тажриба асосида ўқувчиларни мактабда ким кутиб олиши, қайси синф қайси эшикдан кириши, синфхоналарнинг ҳавоси қачон алмаштирилиши каби ҳар бир қадам аниқ белгилаб олинади. Бу салкам олти ойдан буён ўқув даргоҳини соғинган болаларнинг тезроқ мослашиши ҳамда хавфсизлигида муҳим ўрин тутади.

Ҳозирги синовли даврда мактаб директори, синф раҳбари ва ота-она ўртасидаги мулоқотни ҳар қачонгидан ҳам кучайтириш, уйдан таълим оладиган ўқувчиларнинг ўзлаштиришини кундалик мониторинг қилиш лозимлиги таъкидланди. Бу ўқувчиларнинг яхши билим олиши, шу билан бирга соғ-саломат бўлишини таъминлайди.

Видеодарсларни сифатли тайёрлаш, бу жараёнга давлат ва нодавлат телеканалларини фаол жалб этиш, учта телеканалда доимий эфирга узатиб бориш зарурлиги қайд этилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига жойларда рақамли телевидение сигнали ва интернет тезлигини таъминлаш, чекка ҳудудлардаги коммуникация тизимларини тўлиқ тестдан ўтказиш бўйича кўрсатма берилди. Ўқувчилар учун интернетдан фойдаланишда имтиёзли "Мактаб" тариф режаси жорий этилиши айтилди.

Таълим муассасаларидаги тозалик ва озодаликни сақлаш, синфхоналар ва атрофни дезинфекция қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, ҳар бир мактабга ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари бириктирилиб, тартибни сақлаш ва карантин талабларига риоя этилишини назорат қилади. Ўқувчилар соғлиғидан доимий хабардор бўлиш мақсадида ҳудудий поликлиника ёки врачлик пунктларидан камида бир нафардан тиббиёт ходими жалб этилади.

Тадқиқотлар ёш болаларда вирус енгил кечишини кўрсатмоқда. Бироқ ўқувчилар инфекциянинг ташувчисига айланиб қолишлари мумкин. Улар ўзлари билмаган ҳолда устозлари ёки оила аъзоларига, айниқса, ёши улуғ кишиларга юқтириши хавфини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 26 августдаги "Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, педагоглар 1 октябрга қадар гриппга қарши бепул эмланади. Шу билан бирга, ўқитувчиларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга кўрсатма берилди.

Ўқув даргоҳлари фаолиятида хавфсизлик чораларини кўриш, шунингдек, маҳаллаларда коронавирусга чалинган хонадонларни ўз вақтида аниқлаб, мактаб маъмуриятини тезкор огоҳлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Мутасадди вазирликларга мактаблар учун пирометр ва дозаторлар харид қилиш ҳамда ҳудудларга етказиш бўйича топшириқлар берилди. Вилоят ҳокимлари мактабларни дезинфекция қилиш, антисептик воситалар, тиббий ниқоблар билан таъминлашга масъул этиб белгиланди.

**— Ҳар бир раҳбар ўз вазифасини чуқур ҳис қилиб, ишга садоқат ва масъулият билан ёндашса, ҳам тизим ишлайди, ҳам халқимизнинг талабини бажарган бўламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Йиғилишда вазирлар ва вилоят ҳокимлари кун тартиби юзасидан ахборот берди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қудратини юксалтириш, барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, халқимиз фаровонлигини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси, халқаро стандартларга мос ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш, илғор инновацион технологияларни амалиётга жорий қилиш, қулай инвестиция муҳитини яратиш ва экспорт салоҳиятини ошириш, ҳудудлар инфратузилмасини такомиллаштириш, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш йўлидаги улкан хизматлари, жамиятимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни она Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларидаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:*

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони билан

**Джураев Байнияз Чориевич** — «Уруғчиликни ривожлантириш маркази» давлат корхонасининг Сурхондарё вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони билан

**Сайфитдинова Мастурахон** — Қува туманидаги «Қува анори» агрофирмаси раҳбари, Фарғона вилояти

**(Давоми 2, 3-бетларда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Тўхташев Абдил Касимович** — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

### I даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Саидов Айбек Азадович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий округ қўшинлари қўмондони

**(Давоми 3-бетда).**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 19 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 7 августда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар (Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарлар)** – аҳолисининг сони, қоида тариқасида, камида ўттиз минг киши бўлган, муҳим маъмурий аҳамиятга, ривожланган инфратузилмага эга, шунингдек истиқболли иқтисодий ва маданий марказлар бўлган аҳоли пунктлари;

**(Давоми 6, 7-бетларда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ХОРИЖДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, гуманитар соҳадаги кўп йиллик самарали ҳамкорликни ҳамда академик ва илмий-таълим алмашувлар бўйича узоқ муддатли дастурларни амалга оширишни қўллаб-қувватлашдаги шахсий ҳиссаси, шунингдек, халқаро муносабатлар ва иқтисодиёт соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдаги бевосита иштироки учун мукофотлансин:*

### «Дўстлик» ордени билан

**Торкунов Анатолий Васильевич** — Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Москва давлат халқаро муносабатлар институти ректори (Россия Федерацияси)

*Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари ривожига ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга қўшган катта ҳиссаси, Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодий ислоҳотларни самарали амалга оширишга қаратилган муҳим ташаббус ва амалий саъй-ҳаракатлари, Япониянинг етакчи компания ва ташкилотлари иштирокида мамлакатимиздаги устувор ижтимоий, инфратузилма ва сармоявий лойиҳаларни, қўшма маданий-гуманитар дастурларни рўёбга чиқаришга кўрсатаётган улкан кўмаги учун мукофотлансин:*

### «Дўстлик» ордени билан

**Таро Асо** — Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири, Япония парламентидаги Ўзбекистон билан Дўстлик лигаси раиси (Япония)

*Ўзбекистон Республикаси билан ҳар томонлама шериклик муносабатларини ривожлантиришга доир муҳим дастур ва лойиҳаларни рўёбга чиқаришдаги амалий кўмаги, халқлар ўртасидаги ўзаро бир-бирини англаш ва қўллаб-қувватлаш тамойилларини мустаҳкамлаш, дўстлик ва маданий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун мукофотлансин:*

### «Дўстлик» ордени билан

**Аҳмад Ражаб Муҳаммад Али Ризқ** — Қоҳира университетининг археология факультети профессори (Миср Араб Республикаси)

**Мавланов Шухрат Қурвантаевич** — «Росагрокомплекс» масъулияти чекланган жамияти бош директори (Россия Федерацияси)

**Марк Эдвард Риз** — Шарқшунос олим, ўзбек адабиёти таржимони (АҚШ)

**Махмудова Камола Абдумаликовна** — Европа тикланиш ва тараққиёт банки катта банкири

**Муҳаммадзода Ҳусейн Сиддиқ** — Навоийшунос олим ва адиб (Эрон Ислом Республикаси)

**Пракаш Кежривал** — «Indorama Corporation Pte. Ltd» компанияси директори (Сингапур Республикаси)

**Элис Уэллс** — «Exxon Mobil» компаниясининг халқаро ҳамкорлик бўйича катта маслаҳатчиси (АҚШ)

*Ўзбекистон Республикасида илғор хорижий тажриба, илм-фан ва технологиялар асосида замонавий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича фаол саъй-ҳаракатлари, коронавирус пандемиясига қарши самарали курашни ташкил этишда кўрсатган амалий ёрдами учун мукофотлансин:*

### I даражали «Саломатлик» ордени билан

**Линь Сюэжун** — Тошкент шаҳридаги «Ўзбек — Хитой анъанавий тиббиёт маркази» бошқаруви раиси, «Beizhong Yilin Pharm Tech (Beijing) Co., Ltd» президенти (Хитой Халқ Республикаси)

**(Давоми 3-бетда).**




***Мана, пойтахт кўчаларига чиқинг, вилоятлар, туманлар марказлари, олис қишлоқларни кезинг, барча гўшада қурилиш, бунёдкорлик. Кўриб, кўзингиз қувонади. Энг муҳими, одамлар кўзида эртанги ёруғ кунларга ишонч порлаб турибди. Яратиш, ўқиш-ўрганиш ва меҳнат шавқи болаларимиз юз-кўзларида балқимоқда. Ўрни келганда шуни айтишим керакки, бошимиздан кечирган ҳамда кечираётган шунча кўргиликлар фонида жамиятда бундай қатъий ишонч пайдо қилиш учун, аввало, Йўлбошчининг ўзида шу ишонч ва матонат бўлиши керак.***

***Бизнинг бахтимиз шундаки, Президентимиз томирларида худди ёвқур боболаримиз Жалолиддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темурникидек ҳаққа ва адолатга, яратувчанлик ҳамда бунёдкорликка ташна қон оқиб турибди. Бу жафокаш ва матонатли халқимизнинг бахтидир!***

4, 5-*саҳифаларга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони билан

**Жумаев Уткир Тошмурадович** — Ғузор туманидаги «Қоракўлчилик илмий наслчилик тажриба станцияси» масъулияти чекланган жамияти директорининг маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти

**Тураев Машраб Нархурозович** — Нуробод туманидаги «Олға» масъулияти чекланган жамияти бош чўпони, Самарқанд вилояти

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони билан

**Ниязова Марям Кадировна** — Каттақўрғон туманидаги «Кумуш тола» хусусий корхонаси бош директори, Самарқанд вилояти

**Явминова Рахбархон Нишоновна** — «Наманган ҳудудий агропилла» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи» фахрий унвони билан

**Бозаров Хайрулло Хайитбаевич** — Наманган вилояти ҳокими

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони билан

**Инамов Рахмат Нигматович** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи, Тошкент вилояти

**Исунц Сероб Армаисович** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош муҳандисининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари, Навоий вилояти

**Холматов Холдар Инатович** — «Жиззах аккумулятор заводи» акциядорлик жамиятининг цех бошлиғи, Жиззах вилояти

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвони билан

**Раджапов Мансур Кучкарович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» фахрий унвони билан

**Абдувалиев Абдурахман Абдулхаевич** — Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг ўринбосари — Автомобиль йўллари қўмитаси раиси

**Каниязов Махсетбай Торебаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Қўнғирот темир йўл масофаси йўл устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими» фахрий унвони билан

**Станкевич Андрей Викторович** — «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамиятининг учувчилар хизмати департаменти «Боинг-767» ҳаво кемаси командири

## «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

**Абдурахманов Ҳайдар Эшназарович** — Зомин тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг кексалар ва фахрийларни қўллаб-қувватлаш, ёшларда ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш бўйича ўринбосари, Жиззах вилояти

**Оққиев Сайитқули Мўминович** — Олот тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг кексалар ва фахрийларни қўллаб-қувватлаш, ёшларда ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш бўйича ўринбосари, Бухоро вилояти

**Таджиев Амин Хамраевич** — меҳнат фахрийси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Юнусов Махаматали Юсупович** — Фурқат туманидаги «Уста Юсуфжон наққош» оилавий корхонаси уста наққоши, Фарғона вилояти

## «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Бахрамов Аъзамхон Усманович** — Каттақўрғон тумани ҳокими, Самарқанд вилояти

**Закиров Батир Иркинович** — Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири

**Кенжабоев Абдулажон** — Олтиариқ туманидаги «Нурли обод» фермер хўжалиги механизатори, Фарғона вилояти

**Наубетова Алтинай** — Шуманай туманидаги гилам тўқувчи ҳунарманд, Қорақалпоғистон Республикаси

**Эшмуратов Абдулхаким Хушбокович** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сурхондарё вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири

## «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Абдурахмонов Адхамжон** — Олтиариқ туманидаги «Paradise Garden Fruits» ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари, Фарғона вилояти

**Алихўжаев Рахматхўжа** — «Ҳунарманд» уюшмасининг Андижон вилояти бошқармаси аъзоси, пичоқчи уста

**Ахмедов Дилмурот Рузимуротович** — Бухоро вилояти «Ўзпаравтотранс» акциядорлик жамияти кран машинисти

**Бакиров Низомидин Жалилович** — Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси

**Бурханов Кутбидин Нукритдинович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

**Дадажанов Усманжан** — Марғилон шаҳридаги мискар уста, Фарғона вилояти

**Джалилов Салойдин** — «Қуйи Зарафшон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Хатирчи тумани ирригация бўлими бошлиғи, Навоий вилояти

**Джураева Саида Тешаевна** — меҳнат фахрийси, Бухоро вилояти

**Жуманиязов Касим Хажиевич** — Шовот тумани «Темир йўл обод» чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган комплекси раҳбари, Хоразм вилояти

**Жуманиязов Хикмат Ахмедович** — «Туямўйин гидроэлектростанцияси» унитар корхонаси смена бошлиғи, Хоразм вилояти

**Инагамов Шухрат Асилович** — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари

**Исматов Хайрулла Нуриллаевич** — «Demesne trade» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Кадиров Закир Турабаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Тошкент метрополитени» унитар корхонаси автокран машинисти, Тошкент шаҳри

**Каримов Хуснидин Мўминович** — Асака туманидаги «Обод турмуш орзуси» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

**Мамасалиев Исраил Юсупович** — Жиззах шаҳридаги «Мерос» кўп тармоқли хусусий корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

**Махкамов Камал Шарафович** — «Қашқадарё кўприклардан фойдаланиш» унитар корхонаси директори, Қашқадарё вилояти

**Миноваров Шаазим Шаисламович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

**Мусаев Бехзод Анварович** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари

**Мустафоев Улуғбек Мавлонович** — «Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

**Мухамедов Рахимжон Рихсибаевич** — Юнусобод туманидаги «Gold Step Invest» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Назарқулов Баракатулла** — Янгиобод туманидаги «Ҳавотоғ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

**Назиров Фахриддин Фатхуллаевич** — «12-трест» акциядорлик жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

**Олимов Абдурашит Рўзиевич** — «Шарғункўмир» акциядорлик жамияти бульдозер машинисти, Сурхондарё вилояти

**Раджабова Тожиой** — «Ҳунарманд» уюшмасининг Ургут тумани бўлими зардўзлик йўналиши «Устоз — шогирд» мактаби раҳбари, Самарқанд вилояти

**Садиков Шухрат Мухамаджанович** — Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири

**Салямов Маматкул** — Оҳангарон туманидаги «Жасур агро бизнес» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

**Соатов Тўхтамиш Каримович** — Шўрчи тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси, Сурхондарё вилояти

**Султанов Айтбай Қойлибаевич** — Нукус туманидаги «Нукус Эркин қурилиш» масъулияти чекланган жамияти пайвандчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Султанов Алишер Саидаббасович** — Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири

**Султанов Муратхон Юлдашевич** — «Қурилиш бирлашмаси» давлат унитар корхонаси бош мутахассиси

**Турсунов Кобул Бекназарович** — Навоий вилояти ҳокими

**Узаков Байрамбек** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири

**Умурзаков Шавкат Буранович** — «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

**Усмонов Абдуғани Суннатович** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Жанубий кон бошқармаси «Зармитан» кони лаҳимчиси, Навоий вилояти

**Файзиева Гулнора Усмоновна** — Касби туманидаги «Хўжақулов Бекжон» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Хаитов Актам Ахмадович** — Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси

**Хакимов Бахтиёр Ибрагимович** — «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

**Хакимов Ботирали Жўрабаевич** — меҳнат фахрийси, Наманган вилояти

**Хатамов Абдинаби Уралович** — «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятининг «Ангрен кўмир кони» филиали тоғ-кон участкаси экскаватор машинисти, Тошкент вилояти

**Шимбергенов Мурат Адилбаевич** — Нукус шаҳридаги «Кардар ишлаб чиқариш маҳсулотлари» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

## «Дўстлик» ордени билан

**Абдуллаев Улугбек Тахирович** — Ўзбекистон Республикаси «Ҳунарманд» уюшмаси раиси

**Абубакиров Махсетбай Кенесбаевич** — Мўйноқ туманидаги «Мадели» овул фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Агзамходжаев Алишер Анварович** — Ўзбекистон Республикасининг Туркиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси

**Адилов Давронжон Кабилджанович** — Юнусобод туманидаги «Gold Step Invest» масъулияти чекланган жамияти директорининг қурилиш бўйича ўринбосари, Тошкент шаҳри

**Алимов Шерзод Гайратович** — Ангор туманидаги «Ангор Сурхон ғурури» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Сурхондарё вилояти

**Аҳроров Зайниддин Худойқулович** — Ургут туманидаги «Ургут текстиль шифер» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

**Барноев Ҳамро Чулмуродович** — Миришкор туманидаги «Усмон Юсупов агросервис МТП» масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Қашқадарё вилояти

**Бобомурадов Салохиддин** — Самарқанд шаҳридаги «Samarqand Tian Zhu Silk Worm» қўшма корхонаси таъсисчиси, Самарқанд вилояти

**Бўронов Улугбек Маннанович** — Зомин тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

**Вафаев Шухрат Абдушарифович** — Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари

**Вахабов Даврон Абдужалалович** — Шаҳрисабз шаҳридаги «Оқ сарой кластер» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

**Воробьев Николай Тарасович** — «Ўзбекгеофизика» акциядорлик жамиятининг «Устюрт геофизика экспедицияси» филиали «Шимолий Ўзбекистон» кон геофизика партияси машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Гафуров Умар Хасанович** — Сирдарё туманидаги «Темур Мед Фарм» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Сирдарё вилояти

**Жамолдинов Авазбек Акбарович** — Улуғнор туманидаги «Андижон бройлер» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

**Ибрагимов Мурат Лекимович** — «Interstaller group» масъулияти чекланган жамияти бош дизайнери, Тошкент шаҳри

**Иминов Одилжон Каримович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

**Исмаилова Насибахон Тургунбаевна** — «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Исматуллаев Дилшод Хайруллаевич** — Чуст туманидаги «Чуст текстиль» хусусий корхонаси директори, Наманган вилояти

**Ишназаров Бекназар** — Термиз шаҳридаги «Термиз тезкор қурилиш» ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш корхонаси муҳандиси, Сурхондарё вилояти

**Қодиров Ботиржон Мухаммадқодир ўғли** — Бўстон туманидаги «Сайёра фаввораси» хусусий корхонаси таъсисчиси, Андижон вилояти

**Ли Сергей Дмитриевич** — Гурлан тумани телекоммуникация боғламаси муҳандиси, Хоразм вилояти

**Магаметова Гулшаира Исламовна** — «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» давлат унитар корхонасининг бино ва иншоотлар қурилиши йўналиши бўйича институти бош архитектори

**Маматов Вахид Махсудович** — «Бектемир металл конструкциялари» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

**Миртазобеков Асалбек Хомидович** — Сўх туманидаги «Асалобод» хусусий корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти

**Молодцова Рахиля Акбаралиевна** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 2-мис бойитиш фабрикаси кран машинисти, Тошкент вилояти

**Мухамедназаров Лутфулла Хакназарович** — Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази бўлим бошлиғи

**Мухитдинов Эркин Мадорбекович** — Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари

**Расулев Ходжиакбар Абдурахимович** — меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

**Рафиков Сухроб Абдугафарович** — Самарқанд вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси

**Рахматов Олим Бобомуродович** — Бухоро вилояти туркман миллий маданий маркази раиси

**Саламов Фарход Исломович** — Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки бошқаруви раиси

**Салатдинов Бахит Тажетдинович** — Нукус шаҳридаги «Бахит Миратдин қурилиш» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Саримсаков Тахир Мулаханович** — Наманган шаҳридаги «Дегрез қурилиш савдо саноат сервис» хусусий корхонаси муҳандиси, Наманган вилояти

**Саттаров Уткур Хамидович** — Ўзбекистон туманидаги «Соҳибкор Тоғай» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Сейданов Калдибек** — Республика қозоқ миллий маданий марказининг оқсоқоллар кенгаши раиси

**Собиров Саматжон Набижонович** — Чуст туманидаги «Наби Собир» фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

**Султанов Дилшод Шухратович** — Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари

**Султанов Иброхим Ашаралиевич** — Қўштепа туманидаги «Исмоилжон гиламлари» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти

**Тажетдинов Айбек Алтинбекович** — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири

**Тохиров Рахматилло** — Вобкент туманидаги «201-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

**Турсунов Асаджон Акбарович** — «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамиятининг учувчилар хизмати департаменти «Боинг-787» ҳаво кемаси командири

**Турсунова Сабоат Акрамовна** — Пешку туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Бухоро вилояти

**Файзуллаев Зафар Джаруллаевич** — Бекобод шаҳар ҳокими, Тошкент вилояти

**Филатова Ольга Петровна** — «Universal Mobile Systems» масъулияти чекланган жамияти бош директорининг техника ва ахборот технологиялари бўйича ўринбосари

**Хайдаров Илхом Уткурович** — Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари уюшмаси раиси

**Халилов Мухтар Исмаилович** — Андижон шаҳридаги «Хон» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

**Халимова Сагадат Эсамбаевна** — Зафаробод туманидаги «Боғ боши» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Хамраева Лола Адиловна** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг механика таъмирлаш цехи кран машинисти, Тошкент вилояти

**Холмуродов Бахтиёр Очилович** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг техник назорат хизмати бошлиғи, Навоий вилояти

**Шержанов Раимбой** — Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг Янгибозор тумани Кенгаши раиси, Хоразм вилояти

**Юнусов Салохиддин Тахирович** — Фарғона туманидаги «Ekokerama» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фарғона вилояти

**Яркулова Юлдузхон Газимовна** — Кармана туманидаги «Воҳид Мусо» фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

## «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Абдуллаев Нурали Юсуфалиевич** — Поп туманидаги «Кафолат инвест» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти

**Абидов Шерзод Абдусаматович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси котибият мудири

**Адилов Жамбул Агитаевич** — Тахтакўпир тумани ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси

**Аманов Махмуджон Эшбекович** — Мирзаобод туманидаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

**Асадов Ботиржон Закирович** — Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси

**Атаджанов Тимур Атабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Ахмедов Рустам Сангинович** — «Сергели махсустранс» автотранспорт филиали ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Бақоев Маҳмуд Узоқович** — «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» масъулияти чекланган жамиятининг компрессор қурилмаси машинисти, Бухоро вилояти

**Бердибаев Хамдам Курбанбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бўлим мудири

**Бойигитов Йўлчибой Ўринбоевич** — Ёзёвон тумани ҳокими, Фарғона вилояти

**Бойкараев Асрол Рузиевич** — Косон тумани ҳокими, Қашқадарё вилояти

**Буриев Рустам Ёдикович** — «Ravshan Yodik Production» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

**Вафаев Улугбек Назарович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси

**Гаппоров Хайрилло Лутпиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси

**Гордеев Сергей Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Жақсимуратов Шаряр Дуйсенбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ирригация тизимлари ва гидротехник иншоотлардан фойдаланиш бўлими бошлиғи

**Жуманазаров Улуғбек Ражабович** — Тарвуз-қовун етиштирувчилари Қашқадарё вилояти ассоциацияси раиси

**Зайнидинов Олимжан Мамаджанович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Термиз локомотив депоси тепловоз машинисти, Сурхондарё вилояти

**Зарипов Ботир Комилович** — «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси бошқаруви раиси

**Исраилов Исмаил Иркинович** — «Development and Marketing Group» масъулияти чекланган жамияти директорининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

**Истамов Махмуд Шухратович** — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари

**Каримов Хамит Исакович** — Поп тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими участка мудири, Наманган вилояти

**Касимов Набижон Садикджанович** — Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси

**Комилов Исроилжон Гафурович** — Бўстон туманидаги «Зиё-2002» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

**Қаршибоев Муртаза Маматкулович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Қосимов Файзуллажон Саъдуллаевич** — Фарғона вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

**Латипов Марат Азатович** — «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамиятининг «Uzbekistan Airways Technics» масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари

**Марасулов Фархад Садикжанович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Маҳатов Муродулло Сулайманович** — Бахмал туманидаги «Олис тоғлар» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Мирдадаев Сайфидин Мирабдуллаевич** — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг Наманган филиали капитал қурилиш ва таъмирлаш участкаси электромонтёри, Наманган вилояти

**Мирзакулов Батиржон Казакбаевич** — Сайхунобод тумани ҳокими, Сирдарё вилояти

**Нарзуллаев Набибулло Насруллаевич** — Каттақўрғон шаҳридаги «Metal Solution Technologies» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Самарқанд вилояти

**Нематова Наргиза Исамиддиновна** — Олот тумани ҳокими, Бухоро вилояти

**Низамов Сайфиддин Фахриддинович** — Тошкент вилояти ҳокимининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари

**Пайғамбаров Абдумуталиб Абдубаннобович** — Учкўприк туманидаги «Азизов Акбарали» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Пардаев Рустам Убодуллаевич** — Сурхондарё вилояти ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари

**Рахманов Кудрат Раджапбаевич** — Урганч шаҳридаги «Жайхун қурилиш» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

**Рахмонкулов Акрам Бахритдинович** — Жиззах вилояти ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари

**Рахмонов Давлат Амонович** — Сардоба туманидаги чорвадор-чўпон, Сирдарё вилояти

**Рихситиллаев Нуриддин** — «Чирчиқ-Оҳангарон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бўлим бошлиғи, Тошкент вилояти

**Салихов Нозим Мелсович** — Навоий шаҳридаги «Жанубсаноатмонтаж» акциядорлик жамияти таъсисчиси, Навоий вилояти

**Саломов Шерали Ҳусенович** — Қоракўл тумани ҳокими, Бухоро вилояти

**Сапарбаев Атабек Худайбергенович** — Беруний тумани ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси

**Сулаймонов Мирсамат Пулатович** — Паркент туманидаги «Муҳандис плюс лойиҳа» масъулияти чекланган жамияти экскаватор машинисти, Тошкент вилояти

**Тамикаев Абдивахоб Улашбаевич** — Зангиота тумани ҳокими, Тошкент вилояти

**Тойчиев Нусратбек Давранкулович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ўринбосари

**Туйчиев Рахатжан Турсинович** — Избоскан туманидаги «Избоскан шоналари» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

**Турсунов Абдулла Карабашович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Умаров Анвар Хуснутдинович** — Тошкент шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси

**Умурзақов Махмуджон Рахимович** — Хоразм вилояти ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари

**Уринов Шухратжон Бекмахматович** — Термиз тумани ҳокими, Сурхондарё вилояти

**Худайбердиев Шункор Фармонович** — Пастдарғом тумани ҳокими, Самарқанд вилояти

**Худоярова Гулшана Бердиназаровна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

**Хурамов Яраш Тураевич** — Жарқўрғон туманидаги «Агромаштаъмирқурилиш» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Чўллиев Шухрат Аскарович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари

**Шакиров Хотамбек Анварович** — Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари

**Юлдашев Фахриддин Туракулович** — Яккасарой туманидаги «Nano Lizing kompaniyasi» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

**Юнусов Исроил Талипджанович** — Олмазор туманидаги «Maks Import Servis» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

## «Соғлом турмуш» медали билан

**Асраев Буронбой Маткобулович** — Янгиқўрғон туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Наманган вилояти

**Бердалиева Данагул Сафарбаевна** — Республика Маънавият ва маърифат маркази Конимех тумани бўлинмаси раҳбари, Навоий вилояти

**Каримов Ориф Журакулович** — Кармана туманидаги «Муҳаббат боғи» хусусий корхонаси раҳбари, Навоий вилояти

**Нажимова Халалби** — Ангрен шаҳридаги «Облиқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент вилояти

**Тўраева Зарифахон Қодиржоновна** — Олтинкўл туманидаги «Гулбоғ иттифоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари, Андижон вилояти

**Усмонова Мунавар Сунъатовна** — Оқдарё туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Самарқанд вилояти

**Утениязов Курбанбай Имангалиевич** — Нукус шаҳридаги «Курбанбай коммунал сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ходжаметов Хожабай Сейтимбетович** — Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси Бўзотов тумани инспекцияси бошлиғи

**Холлиева Шоҳида Бойматовна** — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг халқаро ёшлар оромгоҳи директори, Сурхондарё вилояти

## «Келажак бунёдкори» медали билан

**Абдихомидова Дилноза Нуриддин қизи** — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Навоий вилояти бошқармаси ёш оилалар ва хотин-қизлар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси

**Бахромов Фазлиддин Фахриддин ўғли** — «Super Vision» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

**Жолимбетова Сарбиназ Барликбаевна** — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Чимбой тумани бўлими раиси ўринбосари, «Камалак» болалар ташкилоти раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Зухуров Ботиржон Джумаевич** — Гулистон шаҳридаги «Neo Cotton» масъулияти чекланган жамияти директори, Сирдарё вилояти

**Карабоев Ислом Махсудович** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали бўлим катта муҳаррири

**Мадримов Ихтиёр Бахтиёр ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Янгиариқ тумани бўлими беш ташаббус ва бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси, Хоразм вилояти

**Норбоев Бахром Нормурод ўғли** — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг ҳайкалтарошлик мутахассислиги бўйича магистранти

**Олимов Жахонгирхон Убайдуллохон ўғли** — «Севимли» телеканалининг «Замон» ахборот-таҳлилий дастури бош муҳаррири

**Расулов Аъзамхўжа Талъат ўғли** — «Robot Service» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

**Рахимов Бобур Камолович** — «Smart Chain» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

**Тўраев Улуғбек Мамаражабович** — Булунғур туманидаги «Меъмор» хусусий фирмаси раҳбари, Самарқанд вилояти

**Юн Евгения Аркадевна** — «Правда Востока» газетаси мухбири

**Якубов Абдулазиз Обиджон ўғли** — Андижон шаҳридаги «Robo Code» робототехника ва дастурлаш мактаби директори, Андижон вилояти

## «Жасорат» медали билан

**Абдримов Сапарбой Бабажанович** — «Ҳунарманд» уюшмасининг Қўшкўпир тумани бўлими аъзоси, дурадгор, Хоразм вилояти

**Абдуллаева Насиба Мухаммади қизи** — Қумқўрғон туманидаги ҳунарманд-тўқувчи, Сурхондарё вилояти

**Арипов Рахмат Махамаджанович** — Сергели туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Тошкент шаҳри

**Артиков Тулкинжон Уктамович** — Каттақўрғон шаҳридаги пойабзал таъмирлаш устаси, Самарқанд вилояти

**Жабборов Дилмурод Абдуқайимович** — Пискент туманидаги маиший техника таъмирлаш устаси, Тошкент вилояти

**Жакбаров Умиджон Гуломжонович** — Наманган туманидаги маиший техника таъмирлаш устаси, Наманган вилояти

**Исроилова Севара Маъмуровна** — Бешариқ туманидаги «Мадад қўллари» унитар корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти

**Матмуратов Равшанбек Бахтиярович** — Амударё туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Нарзуллаева Барно Абдуваит қизи** — «Ҳунарманд» уюшмасининг Жиззах вилояти бўлими аъзоси

**Тожибаев Абдурахим Эргашевич** — Жалақудуқ туманидаги маиший техника таъмирлаш устаси, Андижон вилояти

**Умурзакова Рано Норкуловна** — Сардоба туманидаги ҳунарманд-каштадўз, Сирдарё вилояти

**Фарахутдинова Вероника Леонидовна** — Ғузор туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Қашқадарё вилояти

**Холматов Илхом Бекназарович** — Навбаҳор туманидаги «Тоҳирбек сайқали» фермер хўжалиги механизатори, Навоий вилояти

**Шаропова Дилором Иброхимовна** — Ромитан туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Бухоро вилояти

## «Шуҳрат» медали билан (100 ёшдан ошганлар)

**Аманова Наржан** — Боёвут тумани, Сирдарё вилояти

**Асамов Зиявитдин** — Учтепа тумани, Тошкент шаҳри

**Беканова Катча** — Амударё тумани, Қорақалпоғистон Республикаси

**Неъматов Акрам** — Жондор тумани, Бухоро вилояти

**Нуралиев Азамали** — Поп тумани, Наманган вилояти

**Омонова Наргул** — Нурота тумани, Навоий вилояти

**Рахимова Якут** — Ҳазорасп тумани, Хоразм вилояти

**Усмонова Хижол** — Паркент тумани, Тошкент вилояти

**Хайитова Саодат** — Олтинкўл тумани, Андижон вилояти

**Холмурзаева Сулувой Жаббаровна** — Пахтакор тумани, Жиззах вилояти

**Чориева Сойип** — Шеробод тумани, Сурхондарё вилояти

**Чумбаев Гаппар** — Булунғур тумани, Самарқанд вилояти

**Юлдашева Диларам** — Касби тумани, Қашқадарё вилояти

**Юсупова Салима** — Олтиариқ тумани, Фарғона вилояти

## «Шуҳрат» медали билан

**Абдуллаев Абдурасул Неъматович** — Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари — «Ўзбекчорванасл» агентлиги бош директори

**Абдурайимов Жасурбек Одилович** — Балиқчи тумани ҳокими, Андижон вилояти

**Агзамов Камолиддин Раимович** — Андижон туманидаги «Andijan Silk.Co» қўшма корхонаси директори, Андижон вилояти

**Адизов Фатулло Нарзуллоевич** — Бухоро туманидаги «47-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна» масъулияти чекланган жамияти дурадгори, Бухоро вилояти

**Азизбеков Рустам Сайдуллаевич** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг рух заводи куйдириш цехи куйдирувчиси, Тошкент вилояти

**Азимов Ваҳоб Ғаниевич** — «Фарҳод гидро электр станцияси» унитар корхонасининг электрмашиналар цехи электр чилангари, Сирдарё вилояти

**Акбаров Кудрат Исматович** — «DSK BINOKOR» масъулияти чекланган жамиятининг директори, Тошкент шаҳри

**Аккиев Шухратжон Жумаевич** — Олот туманидаги «Жумагелди» фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

**Аксенов Олег Александрович** — «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонасининг Фарғона вилояти электромагнит мослашув хизмати муҳандиси

**Алиева Элвира Исмаиловна** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси

**Алламова Муборак Розимовна** — Беруний туманидаги «Beruniy textile invest» масъулияти чекланган жамияти дастгоҳ оператори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ахмадалиев Абдулазиз Ботиралиевич** — Мирзачўл туманидаги «Мирзачўл текс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

**Ахмедов Азиз Тошпўлатович** — Навбаҳор туманидаги «Қир ариқ» фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

**Аширахунов Дониёр Абилкасимович** — Наманган шаҳридаги «ЎзЧасис» қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш бўлими технологи, Наманган вилояти

**Ашуров Ойбек Расулбердиевич** — Марҳамат туманидаги «Водий ҳамкор агрофирма» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

**Бабаяров Эркин Турсунмурадович** — Чиноз туманидаги «Эркин қурилиш барака» хусусий корхонаси раҳбари, Тошкент вилояти

**Баратова Мухайё Сафаровна** — Бахмал туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, каштачилик-сўзана устаси, Жиззах вилояти

**Бегматов Ахмат Рузбаевич** — Қарши шаҳри ободонлаштириш бошқармасининг махсус автотранспорт ҳайдовчиси, Қашқадарё вилояти

**Бекмурзаев Фаррух Хусенович** — Қоровулбозор туманидаги «Қоровулбозор нур обод» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

**Бобожонов Дилшод Махмудович** — Бухоро шаҳридаги «Камалак Шабнам текс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Бойтураев Ганишер Норбутаевич** — Ховос туманидаги «Ховос агросервис МТП» масъулияти чекланган жамияти механизатори, Сирдарё вилояти

**Вапаев Александр Мадримович** — «Қарамази-Қиличбой» ирригация тизимлари бошқармаси экскаватор машинисти, Хоразм вилояти

**Ғафуров Рустам Абдирасулович** — Қамаши тумани ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, Қашқадарё вилояти

**Гаффарова Малика Маматовна** — Термиз шаҳри ободонлаштириш бошқармаси фарроши, Сурхондарё вилояти

**Гулямов Саидбобур Саидимуратович** — «Тошкент настарин гуллари» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

**Дадабоев Абдугаффор Тошназарович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «1-энергомонтаж поезди» унитар корхонаси электромонтёри

**Данияров Ташпулат Мамадиевич** — «Сурхон пармалаш ишлари» акциядорлик жамияти пармаловчиси, Сурхондарё вилояти

**Дурматова Феруза Рахматовна** — «Навоийазот» акциядорлик жамиятининг органика синтези ва нитрон толаси ишлаб чиқариш цехи аппаратчиси, Навоий вилояти

**Жабборов Ботир Шукурович** — Нарпай тумани ҳокими, Самарқанд вилояти

**Жумабаев Уткир Каримович** — «UzAuto Motors» акциядорлик жамиятининг Хоразм вилояти филиали ишлаб чиқариш бўлими цех бошлиғи

**Жўраев Қодиржон Рустамжонович** — Уйчи туманидаги «Бунёдкор Мубошер» масъулияти чекланган жамияти директори, Наманган вилояти

**Жўраев Низомиддин Ибраевич** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи металлургия цехи эритувчиси, Тошкент вилояти

**Икромова Барнохон Тохировна** — Қува туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Фарғона вилояти

**Имамов Аваз Абдиевич** — Шофиркон тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси, Бухоро вилояти

**Искандаров Бахром Каримович** — «Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятининг 2-қозон турбина цехи машинисти, Тошкент вилояти

**Исмоилов Серобидин Позилжонович** — Избоскан тумани ҳокими, Андижон вилояти

**Каландаров Даврон Наримович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бошқарма бошлиғи

**Каримов Мохир Маърифович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси

**Курбанов Отабек Хасанович** — Янгибозор туманидаги «Хоразм фахри» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**Қўзимуродов Икромжон Жўраевич** — Шеробод туманидаги «Шеробод агросервис МТП» масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Сурхондарё вилояти

**Мардонов Улуғбек Амирқулович** — «Деҳқонобод калий заводи» акциядорлик жамиятининг тоғ-кон мажмуаси лаҳим ўтиш комбайни машинисти, Қашқадарё вилояти

**Маткаримова Тажибике Алламбергеновна** — Хўжайли туманидаги «Яшил табиат био маркази» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Матякубов Бахтиёр Ибрахимович** — Боғот туманидаги «Бахт ҳаракат меваси» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

**Мисиров Холик Жабборович** — «Кўприкқурилиш» трести унитар корхонасининг 67-кўприкқурилиш отряди етакчи муҳандис-механиги, Тошкент шаҳри

**Мустанов Абдивалижон Саидович** — Фориш тумани ҳокими, Жиззах вилояти

**Муфтиллаев Дилшод Абдиллаевич** — Қарши шаҳридаги «Premium Capital Group» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Мухиддинов Низомиддин Эркинович** — «12-трест» акциядорлик жамиятининг 1-махсус бошқармаси дурадгори, Тошкент шаҳри

**Набижанов Элёрбек Закирович** — Қўрғонтепа туманидаги «Khantex Group» масъулияти чекланган жамияти кузатув кенгаши раиси, Андижон вилояти

**Нажмиддинов Абдураззоқ** — меҳнат фахрийси, Сирдарё вилояти

**Назаров Сирожиддин Кушкарович** — Мирзачўл туманидаги «Мирзачўл тикувчилик мажмуаси» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

**Назиров Алишер Носирович** — «Ҳунарманд» уюшмасининг Риштон тумани бўлими аъзоси, уста-кулол, Фарғона вилояти

**Низамов Авазбек Сабирович** — Андижон туманидаги «Zamin Bio Health» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

**Окилов Максуд Махмудович** — «Жиззах аккумулятор заводи» акциядорлик жамиятининг цех устаси, Жиззах вилояти

**Оллоёров Мансурбек Полвонзода** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Раджапова Умида Атабаевна** — Урганч почта алоқаси боғламаси бўлим бошлиғи, Хоразм вилояти

**Ражапов Ўктам Эшмуминович** — Термиз шаҳридаги «Авто сервис хизмати» масъулияти чекланган жамияти кран машинисти, Сурхондарё вилояти

**Рахимов Кувондик Кудратович** — «Косон нефть-газ қидирув экспедицияси» масъулияти чекланган жамиятининг Ғузор филиали пармаловчиси, Қашқадарё вилояти

**Сабиров Камилжан Эркинович** — Сирдарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари

**Саттаров Хажимахаммад Худайбердиевич** — «Шўрўзак-Сирдарё» ирригация тизими бошқармасининг Ўнг тармоқ канали муҳандис-гидротехниги, Сирдарё вилояти

**Сафиуллин Шамиль Габбазович** — «Бектемир металл конструкциялари» масъулияти чекланган жамиятининг металл конструкциялар цехи бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Сафиуллина Элина Рустамовна** — Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Тошкент шаҳар бош бошқармаси хизмат кўрсатиш сифати бўйича корпоратив бошқарувчиси

**Серенков Станислав Сергеевич** — Юнусобод туманидаги «Kolorpak» масъулияти чекланган жамияти бош директорининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

**Султанов Азамжон Махмудович** — Поп тумани ҳокими, Наманган вилояти

**Таиров Султон Маъмурович** — Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ишлар бошқармаси бошлиғи

**Тошпулатов Ихтиёр Бахтиёрович** — Шароф Рашидов туманидаги «Абдувоҳид қурилиш таъмир» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

**Тоштемиров Олимжон Кушбакович** — Зарбдор туманидаги «Ютуқ майдони» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Туланбаев Шариф Марипхонович** — «Кўприкқурилиш» трести унитар корхонасининг 13-кўприкқурилиш отряди кран машинисти, Тошкент шаҳри

**Тўраев Абдижалил Турсунович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Турдиматов Нодир Мирзапулатович** — «Revochain Technology» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

**Ўлмасова Эъзосхон Мамасолиевна** — Фурқат туманидаги «Фурқат агропилла» масъулияти чекланган жамияти агрономи, Фарғона вилояти

**Умаров Фахритдин Саматович** — Кармана тумани ҳокими, Навоий вилояти

**Уринов Фахридин Очилович** — Хатирчи туманидаги «Орзу» фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

**Хакимов Обид Арзикулович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Хидиров Алишер Буриевич** — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги «Касаба қурилиш таъмир» шуъба корхонаси директори

**Ходжиев Кобулжон Миробидович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Тошкент метрополитени» унитар корхонаси йўл ва туннель иншоотлари хизмати катта устаси, Тошкент шаҳри

**Холназаров Шавкат Кахрамонович** — Навоий шаҳридаги «Ишонч гилам» масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти

**Ҳамдамов Нарзилло Намозович** — Бухоро вилояти ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари

**Шадиев Улмас Наимович** — «Самарқанд автомобиль заводи» қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш мажмуаси цех устаси, Самарқанд вилояти

**Шарипов Байрам Хайриевич** — «Ўзгеобурғинефтгаз» акциядорлик жамиятининг «Олот нефть ва газ қидирув экспедицияси» масъулияти чекланган жамияти пармалаш устаси, Бухоро вилояти

**Ширинов Джахонгир Джаббарович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси

**Эргашев Музаффар Абдурасулович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Юсупов Тимур Дамирович** — Оҳангарон туманидаги «Building Innovation» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

**Якубов Мурод Авадович** — «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамиятининг Устюрт газ қазиб чиқариш бошқармаси участка бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 28 август

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ХОРИЖДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Филиз Эрдоған Марашлиоглу** — «Kanimed Saglik Cozumleri LTD» компанияси бошқарув кенгаши раиси (Туркия Республикаси)

**Цой Чжэ Ук** — Корея университетининг профилактик тиббиёт кафедраси профессори, Корея тиббиёт ассоциацияси ҳузуридаги «COVID-19» коронавирусига қарши чоралар кўриш бўйича Штаб маслаҳатчиси (Корея Республикаси)

*Ўзбекистон Республикасининг барқарор тараққиётини таъминлашга қаратилган муҳим ташаббусларни илгари суриш ва уларни амалга ошириш, устувор иқтисодий лойиҳалар ва гуманитар дастурларни қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини ошириш, шунингдек, хорижий давлатлар билан дўстлик ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун мукофотлансин:*

## «Келажак бунёдкори» медали билан

**Асадуллаев Ҳуснулла Шухратилла ўғли** — Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Хитой Халқ Республикасидаги вакили

**Бабажанов Бунёдбек Улуғбек ўғли** — Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Россия Федерациясидаги вакили

## «Шухрат» медали билан

**Арисланов Саидахмад Саидахрорович** — АҚШдаги «ASO Systems» компанияси раҳбари

**Бедиев Камолиддин Асомиддинович** — Берлин шаҳридаги Херрман-Шульц номидаги мактабнинг немис тили фани ўқитувчиси, Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Германия Федератив Республикасидаги вакили

**Зуфаров Шерзод Сабирович** — Франциянинг «Sociėtė Gėnėrale» банки хусусий секторга сармоя киритиш фонди вице-президенти

**Ибрагимов Бунёдбек Абдушарипович** — Ўзбекистон ва Нагоя дўстлик жамияти муассиси ва директори

**Исмаилов Бахром Бахтиёрович** — Москва шаҳридаги «Саховат» хайрия фонди директори (Россия Федерацияси)

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан давлат мукофотлари тантанали вазиятда топширилишини ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 25 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Ахмадиллаев Фазлиддин Низомиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бўлим бошлиғи

**Муминов Абдирахим Абдурасуливич** — Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг ўринбосари

**Саидов Олим Чорикулович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи

## «Дўстлик» ордени билан

**Кондрикова Ольга Александровна** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳарбий-сафарбарлик бўлими катта инспектори

**Контюков Рамиль Ринатович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Кудрявцев Игорь Владимирович** — Тошкент давлат юридик университетининг давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси профессори

**Мирзаев Мубин Мухидинович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

**Пашаев Элман Закирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси звено командири

**Тришкин Максим Владимирович** — Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнғин қутқарув отряди қутқарувчи-ғаввоси

**Юсупов Шухрат Набиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказ бошлиғи

## «Мардлик» ордени билан

**Бегматов Отабек Эгамбердиевич** — Сирдарё вилояти Сардоба тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Ибрагимов Акмалжон Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Ибрагимов Санжар Ботирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ катта офицер-йўриқчиси

**Иргашев Рахимжон Рахмонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командири

**Нурметов Оғабек Хусанназирович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Палваязов Асрорбек Жуманиязович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Чориев Отабек Бобомуратович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бўйича бошқармаси бошлиғи

## «Жасорат» медали билан

**Абдраманов Жаслан Еркебаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ катта йўриқчиси

**Абдулвохидов Абдулходи Абдулазиз ўғли (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Наманган вилояти қўриқлаш бошқармаси гуруҳ сафдор ходими

**Абдуллаев Сухроб Шухратович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Дускобилов Фахриддин Болтаниязович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Зокиров Миржалол Тожалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳ командири

**Кайпназаров Есемурат Калбаевич (марҳум)** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бўлим бошлиғи

**Қодиров Шохрух Қобил ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тезкор навбатчининг катта ёрдамчиси

**Маматкулов Собиржон Сайдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Махамаюсупов Мухаммаддиёр Исмоилович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари взвод командири

**Муминов Музаффар Нурмаматович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Набижонов Форходжон Валижонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси ҳайдовчиси

**Одилов Жўрабой Хамитович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Оқбоев Илёс Авазбекович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Суюнов Ҳазрат Кароматович (бедарак йўқолган)** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Суяров Хусниддин Зокирович (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Шахобиддинов Жалолиддин Салохиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

## «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Арапов Элмурад Анвархонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Аскаров Хасанбой Тўхтамирзаевич** — Наманган вилояти Наманган шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими инструктор-қутқарувчиси (ёнғин ўчирувчиси)

**Асқаров Комилжон Зариббаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Ахмедова Альбина Шаирзадовна** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси “Тошкент-АЭРО” ихтисослаштирилган божхона комплекси бўлим бошлиғи

**Бегманов Лазиз Гуламович** — Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Бекмуратов Джахангир Юлдашбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Инспекцияси бошлиғи

**Вафоев Махкам Миржонович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи

**Генжебаева Айзада Дамировна** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар давлат солиқ инспекцияси бош инспектори

**Ғопиров Хомиджон Холиқжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взвод командирининг ўринбосари

**Давлетов Азамат Сапарбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

**Джуракулова Хурсан Фармоновна** — Навоий вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги идоравий нотариал архив мудири

**Ибадуллаев Мақсуд Назарович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати катта инспектори

**Ибрагимов Музафар Юсупжанович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бўйича бошқармаси “Яллама” чегара божхона пости бошлиғи

**Ирматов Шерзод Аширқулович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги йўл-патруль хизмати инспектори

**Итоқов Тўлқинжон Юсупович** — Бухоро вилояти Қоракўл тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси бошлиғи

**Кўбаев Жамолиддин Муртозаевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳ командири

**Қоршиев Фохриддин Шомил ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Самарқанд вилояти қўриқлаш бошқармаси гуруҳ сафдор ходими

**Мавлонов Санжар Абдирахимович** — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани прокурори

**Маматов Шерали Исокулович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари катта йўриқчиси

**Машарипов Рашид Юсупбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бўлинма бошлиғи

**Меликулов Ахрор Норкулович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани бўлими бошлиғи

**Мухтаров Файзуллохон Маматхонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод мутахассиси

**Нарзиев Парда Бурханович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси катта прокурори

**Науризбаев Байрам Сарсенбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси бошлиғи

**Нигай Виктория Виссарионовна** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси катта инспектори

**Норбоев Сайёт Раҳмонбердиевич** — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси биринчи минтақавий ҳудуд йўл-патруль хизмати отряди инспектори

**Нурбердиев Жанибек Сахибекович** — Навоий вилояти Томди тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Омаров Талгат Смайлович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Пулатов Жаҳонгир Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий округи хизмат бошлиғи

**Рузметов Акмал Авазматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Салиев Азаматжон Абдилбокиевич** — Андижон вилояти Жалақудуқ тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

**Тулаганов Умидджан Тожалиевич** — Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Чирчиқ шаҳар ёнғин қутқарув отряди командири

**Фармонов Жонибек Рахматиллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси катта муҳандис-йўриқчиси

**Хакимов Хусниддин Умматали ўғли** — Наманган вилояти Поп тумани прокурори

**Халиков Умид Ибрагимович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

**Хасанов Фарход Фаттахович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Ҳайитов Шаҳоб Қайимович** — Бухоро вилояти Ромитан тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

**Эштухтаров Уктам Бердиназарович** — Қашқадарё вилояти Косон тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

## «Соғлом турмуш» медали билан

**Деканбаев Шерзод Баходирович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жанговар, хизмат ва жисмоний тайёргарликни ташкиллаштириш бўлими муҳим топшириқлар бўйича инспектори

**Мирсадатий Шухратбек Бахтиёр ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳ мутахассиси

## «Шухрат» медали билан

**Абдурахманов Жамолиддин Абдусаламович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси иккинчи минтақавий ҳудуд йўл-патруль хизмати отряди инспектори

**Авазов Неъматжон Хужамберганович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилояти Урганч шаҳар бўлими бошлиғи

**Артикбаев Исмоил Алисаидович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Бахромов Одилжон Олимжонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бўлим бошлиғи

**Бекмуратов Ҳамиджон Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командирининг ёрдамчиси

**Белов Андрей Анатольевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм цех радиомеханиги

**Бердиев Сардор Муроталиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Бобомуродов Абдуравуф Рабимович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳ командири

**Джумаев Анвар Олтинович** — Навоий вилояти Хатирчи тумани прокурорининг ўринбосари

**Джумаев Дониёржон Нусратиллаевич** — Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

**Ережепов Марат Избасарович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Жамалов Жанабай Кенгесбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани прокурорининг ўринбосари

**Зиёбоев Ортиқбой Абдуллажонович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Козимов Бунёдбек Туланбой ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари взвод назоратчиси

**Кудратов Джамшид Асатуллаевич** — “Восток” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Давлат унитар корхонаси бош директорининг ўринбосари

**Қуванов Ботирали Обидович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Қурбанов Абжаббор Исакулович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ижтимоий-сиёсий ва оммавий-маданий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш отряди командири

**Лукмонов Рустамали Мирзамақсуд ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Фарғона вилояти бошқармаси ходими

**Мамадалиев Адхамали Ахмадалиевич** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати катта инспектори

**Мирзоев Фаррух Шокирович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Муйдинов Маруфжон Абдикайимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция мутахассиси

**Муминов Камол Шералиевич** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Мухамедов Олимжон Кабилович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Мухаммадиев Алишер Шухратович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати катта инспектори

**Назаров Тўлқинжон Тошпулотович** — Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси

**Норматов Фурқат Шовкат ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Ражабов Барат Ачилович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони сафдор ходими

**Расулева Мархабо Толкуновна** — Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

**Рахмонов Жалолхон Султоналиевич** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бўлинма бошлиғи

**Розмухамедова Роза Ахмедовна** — Тошкент шаҳар Олмазор тумани давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

**Рузметов Умидбек Жанибекович** — Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Турдиалиев Темур Баходиржон ўғли** — Андижон вилояти Андижон шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими ёнғин қутқарув қисми бошлиғи

**Усманов Азиз Акрамович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси отряд командири

**Утаев Санжар Ачилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти взвод командири

**Утамбетов Баймурза Калмурзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси “Довут-ота” чегара божхона пости катта инспектори

**Хамдамов Нурмат Баронович** — Бухоро вилояти Қоракўл тумани давлат солиқ инспекцияси бош юрисконсульти

**Ходжиматов Ойбек Гуломидинович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси бўлим бошлиғи

**Холматов Шукуржон Негматович** — Фарғона вилояти Учкўприк тумани адлия бўлими бошлиғи

**Хўжаев Ойбек Урунбаевич** — Хоразм вилояти Хонқа тумани давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

**Эргашев Мафтунбек Мухаммадсолиевич** — Наманган вилояти Норин тумани ички ишлар бўлими тезкор вакили

**Эшмуратов Фахриддин Хасанович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл-патруль хизмати отряди инспектори

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 28 август



**Қудратилла РАФИҚОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, сиёсатшунос.

*Дунёнинг пасту баландини билган одамлар йилнинг келишига қараб ундан нима кутишини айта олади. Аммо 2020 йил ҳаммани шоширди. У юртдошларимиз учун ҳам, жаҳон аҳли учун ҳам оғир келди. Мен ҳам узоқ йиллар сиёсатнинг ичида юрган, бу ҳаётда яхши-ёмонни, оқу қорани етарлича кўрган ва уни ажрата олиш тажрибасига эга инсон сифатида бу борада фавқулодда бир тугал фикр айтишга, тўғриси, қийналаман.*

*Негаки, шундоқ кўз олдимизда бўлиб ўтган воқеалар, элимиз бошига тушган ташвишлар одамнинг хаёлини шоширади, фикрларини жамлашга изн бермайди. Кўрган-кечирганларимиз, мажозий айтганда, трагик фильмлар мотивларига ёки босиринқиров тушга ўхшайди.*

*Афсуски, бу кўраётганларимиз туш эмас. У реал ҳаётда юз берган ҳамда бераётган воқеалар. Албатта, бўлиб ўтган ва ҳамон давом этаётган ҳодисалар силсиласи барчамизнинг оромимизни ўғирлади, дилимизни хуфтон қилди. Бироқ мен Шавкат Миромоновични узоқ йиллардан буён яқиндан биладиган, унинг орзу-ўйлари, ички кечинмаларидан хабардор бир сафдоши сифатида айтишим мумкинки, бошимизга тушган бу ташвишлар энг кўп шу инсоннинг бағрини эзди, дилини яралади.*

# 2020 — МИЛЛАТНИ

Зотан, **бу йилдан барчамиздан ҳам кўра унинг умидлари кўпроқ эди.** Орзулари, элимиз турмуш шароитини ошириш, оддий, меҳнаткаш одамлар косасини оқартириш, бу дунёга келиб, бир умр гувала деворли томлар тагида рўшнолик кўрмай, "ҳаёт шу экан, пешонамизга битилгани шу бўлса керак", дея кўрган кунига-да рози ўтаётган содда, камсуқум, сабр-бардошли ватандошларимиз кўнглини олиш, уларнинг эгилган қаддини кўтариш... Яна янги Ўзбекистоннинг юзи бўлмиш "Тошкент сити", Тошкент метрополитенининг ер усти линияси, аҳоли учун юзлаб тураржойлар, ўнлаб замонавий завод-фабрикалар, юз минглаб янги иш ўринлари яратиш...

Бироқ дунё ишлари "тизгини" бандасининг қўлида эмас. Кўриб турганимиздек, чарх тескари айланди. Кўпни кўрган доноларимиз "Фалокат кутилмаганда келади, бир келса устма-уст келади", дейишади. Бу йил шундай бўлди: халқимиз ва юртимизни мана шу ташвишли қисмат "айлантирди".

**Гапимиз қуруқ бўлмасин. Масалан, ҳамон дунёни ларзага солиб турган коронавирус пандемиясини олинг.** Унинг нақадар жиддий хавф экани ва келтириши мумкин бўлган талафотлари кўламини чамалаш учун бу йил Токиода бўлиб ўтиши кутилган тўрт йилликнинг энг нуфузли спорт мусобақаси — халқаро Олимпиада ўйинларининг қолдирилганини эсга олиш кифоя.

Ёки Бухорода содир бўлган шиддатли шамол. Дам ўтмай Сардоба тошқини... Кейин Сўх воқеалари...

Таассуфки, бу ҳодисалар басма-бас рўй берди. Биз кулфат билан юзма-юз қолдик. Мана, чет элларда бўлгани каби қуюн томларни учириб кетмоқда. Қутурган тошқин уйларга бостириб кирмоқда. Қисқача айтганда, фалокат.

Мана шу синовли кунлар шу ҳикматни бердики, у бизга дўст билан душманни, қалбида адовати, кини ва ёки самимияти балқиб турган одамларни яна бир бор танитди. Қаранг, ҳатто шу кўргилик баҳона баъзи хорижий матбуот ва ижтимоий тармоқларда бўлаётган воқеаларга "беқасам тўн кийдириб", мамлакат ҳаётига мудҳиш тус бериш, одамларни шошириш, ёшлар онгини заҳарлаш каби ҳоллар рўй берди.

Албатта, бу янгилик эмас. Ҳасад бор экан,




хусумат бўлади. Лекин одамларимиз бу машаққатни одатдагидек оғир-вазминлик билан енгиб ўтди. Халқимизда "ҳар ёмон ишнинг ҳам бир хосияти бўлади", деган гап бор. Бу ҳар қандай ташвишу ситамларнинг ҳам киши учун ибрат оладиган жиҳатлари бўлади, қийинчилик ва синовлар одамни тоблайди, дегани аслида. Қолаверса, мен бундай фавқулодда ҳолатлар катта шахслар сийратидаги биз илгари илғамаган ғайришуурий қудратни ҳам юзага чиқаришининг гувоҳи бўлдим, десам, адашмайман.

Очиқ айтсам, мен ўша ғала-ғовур, бутун дунёни тўзғитиб ташлаган, айтилган гап беш дақиқадан кейин аслига тўғри келмайдиган, тўғри қарорга келиш юздан бир фоизга тенг кезларда Президентни қайта кашф этдим. Қарийб қирқ йилга яқин ёнма-ён юриб, иш тартиби, қобилияти ва фавқулодда истеъдоди қирраларини яхши биламан, деб ўйлаганим бекор экан.

Президент Мирзиёев ўша оғир дамларда, кулфат ва фалокат устимизга ёпирилиб келган дамда мен билган Шавкат Миромоновичдан юз карра кучли, матонатли ҳамда иродали, халқи учун, эли учун жонини беришга тайёр бир ёвқур афсонавий ватан ўғлонидай кўз олдимда намоён бўлди. Албатта, бу мулоҳазаларни виждони бор, бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кўриб турган ҳар қандай одам тан олади.

Ўша мушкул кунларда ишни тез ва тўғри йўлга қўйиб олишда давлатимиз раҳбари алоҳида жонбозлик кўрсатгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳатто Ўзбекистоннинг оғир аҳволга тушганини илғаган, бундан чиқиш стратегиясини, энг муҳими, тўғри ҳамда тез самара берувчи йўлни топа олганидан кўпчилик халқаро экспертлар ҳайратини яширмади. Холис ва адолатли айтганда, кечмиш фалокат ҳамда фожиалар мамлакатимиз етакчиси ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам жиловни қўлга олиб, эл-юрт оғирини енгил қилиш учун курашишга, фавқулодда ҳодисаларга зудлик билан ечим топишга қодир стратег, прагматик сиёсатчи эканини намойиш этди.

Мен энди, орадан маълум вақт ўтиб, ховурлар ҳийла босилгач, ўйлаяпманки, Юртбошимизга узоқ йиллар туман ва вилоятлар ҳокимлари бўлган даври ҳамда Бош вазир сифатида орттирган тажрибаси ҳамиша қўл келади. Ўша даврда у киши юртимизнинг энг олис гўшаларигача кезган, у ерда яшаётган кишилар, оддий одамларнинг дарду ўйи, орзу-истакларини жуда яхши билган, уларнинг азоб-уқубатларини, қийинчиликларини дилидан, жонидан ўтказган. Эҳтимол шунинг учун ҳам у сиёсатининг бош бўғинини оддий одамларнинг ҳаётини ёруғ қилиш, уларнинг ўмганини кўтариш, чин маънода, ҳаётдан, кўраётган кунларидан рози қилиш этиб белгилади.

Сўзимиз аввалида ортда қолаётган йилда бошимизга тушган ташвишу фалокатлар ҳақида гапирдик, уларни санагандай бўлдик. Келинг, энди уларнинг тафсилотлари ҳақида қисқа гурунг қилсак. Зотан, ўтган кунлардан сабоқ олиш ҳар доим хайрли бўлган.

## ТАҲЛИКАНИНГ ЖИЛОВЛАНИШИ

Биласиз, Хитойнинг Ухань шаҳрида коронавирус деган юқумли касаллик тарқалди. Очиқ айтсам, эсимни танигандан буён бундай балони кўрган-эшитган эмасман. У жуда тезликда кенг ёйилди. Франция, АҚШ, Бразилия, Мексика, Ҳиндистон... 2020 йил 15 март куни Вирусология илмий-тадқиқот институти лабораториясида Францияга бориб қайтган Ўзбекистон фуқаросида COVID-19 аниқланди...

Ўзбекистонда ҳам синов даври бошланди. Ўша таҳликали кезларда мен Президентимиз ўтказган бир неча йиғилишларда иштирок этганман. Давлатимиз раҳбари йиғилганлар олдида ўзини қанчалик вазмин ва дадил тутмасин, ичида оғир бир хавотир, исмсиз дард кезиниб юргани кўзларидан сезилиб турарди. Бу — дунёга ёйилиб кетаётган оғир бало, тилсиз "ёв"дан 34 миллион нуфусга эга халқимизни омон сақлаш, имкони борича талафотларни камайтириш, одамларнинг ҳаёти, турмуши ва саломатлиги учун масъуллик хавотири эди, назаримда.

Очиғи, кўпчилик қатори мен ўзим ҳам бу офат ҳақида гап-сўзлар пайдо бўлган маҳаллар унга унчалик жиддий эътибор қаратмаган, вирус Хитойда бўлса, чегараларни ёпсак хавф бартараф бўлади, деб ўйлаганман. Лекин масала биз ўйлагандай эмас экан. Образли айтганда, жин аллақачон кўзадан чиқиб кетган, уни назорат қилиш имконсиз аҳволга келган экан.

Айнан шу жараёнда мени ҳайрон қолдирган жиҳат шу бўлдики, коронавирус эпидемияси ҳали пандемияга айланмай туриб, ҳатто Европа бу масалага жиддий қарамаган бир вақтда, 29 январь куни давлатимиз раҳбари мазкур офатнинг олдини олишга масъул бўлган махсус комиссия ташкил этиш борасида фармойиш қабул қилди.

Эсимда, ўша маҳал Президентни масалага ортиқча баҳо бераётганликда айблаганлар ҳам бўлди. Бироқ воқеалар ривожи узил-кесил ташланган қадамнинг айни вақтида бўлганини тасдиқлади. Бу фазилат, албатта, шахсдаги тан олиш керак бўлган, асло кўз юмиб бўлмайдиган хислатдир. Бу жуда кам одамларга Яратган томонидан берилган савқитабиий — фавқулодда қобилият ҳисобланади. Бу давлат раҳбарини чин Миллат Лидерига айлантира оладиган мумтоз донишмандлик белгиси эди.

Вақт ўтиб англаяпмизки, Президентдаги узоқни кўра билиш қобилияти, ҳали айтганимиздек, хавф солиб турган хатардан эл-улусни асраб-авайлаб олиб ўтиш, имкон қадар кам талафот бериш учун тамал тоши бўлиб хизмат қилди ва қилаётир.

Яна бир гап. Одам кўнгли доимо оддийлик, соддалик ҳамда самимийликка интиқ бўлади. У жони ачиб, юракдан айтилаётган сўзни сезади, унга жон деб қулоқ тутади. Шу маънода айтадиган бўлсак, Президентимизнинг ўша кезлар одамларни бу балодан огоҳ этишга қаратилган, хушёрликка чақирувчи уйғоқ сўз ва мурожаатлари ҳеч кимни бефарқ қолдиргани йўқ...

Бугун кўриб турибмиз. Пандемия жаҳон иқтисодиёти ҳамда ҳаётига жиддий зарар етказди. Дунё бўйича ишсизлик даражаси ўсмоқда. Ҳатто айрим мутахассислар коронавирус 1980 йилларнинг сўнгида, аниқроқ айтганда, 1987 йили АҚШда юз берган иқтисодий-молиявий бўҳрондан ҳам ўтиб кетди, дейишмоқда. Ўшанда "Қора душанба" деб ном олган мазкур инқироз оқибатида Доу-Жонс саноат индекси 22,6 фоизга (бу унинг тарихидаги шу пайтгача энг катта пасайиш ҳисобланади) тушиб кетган ва бу бутун дунё молия-иқтисод сиёсатини қарийб издан чиқарган эди. Бошимизга тушган бу бало етказган зиён-заҳмат ҳам ҳали кўп таҳлил этилса, ажаб эмас.

Аммо шуни айтиш керакки, мамлакатимизда ҳар бир инсон ўз ишига масъул, хушёр ва уйғоқ. Шукрки, орамизда, гарчи йўқотишлар бўлса-да, ортиқча саросима, довдираш ҳамда эсанкираб қолиш ҳолатлари учрамади.

Менталитетимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай оғир вазиятда ҳам оиладаги муҳит катталарга боғлиқ бўлади. Жамиятимизда ҳам мавжуд хатарларга нисбатан хотиржамлик ва бошга тушган кўргиликларни сабр-бардош билан енгиш кўникмаси Президентимиздан, у кишининг ўзини тутиши, масалага ёндашиши, мухтасар айтганда, яхши кунларга бўлган комил ишончидан шаклланди. У кишининг сурати ҳамда сийратидаги қатъият одамларимиз ва жамият ҳаётига шундоқ кўчиб ўтди, десам, ҳеч муболаға қилмаган бўламан. Бу борада, айниқса, тиббиёт ходимлари фаолияти таҳсинга лойиқ. Буларнинг ҳаммаси, энг аввало, Йўлбошчига, унинг одамларни ишонтира олиш, ортидан эргаштириш қобилиятига боғлиқ.

Эътибор қилинг, дунёда хавфнинг номи ва келтирадиган хатари аллақачон маълум бўлган. Бироқ ҳаёт тўхтаб қолган эмас, одамлар бу "ёв"ни тезроқ бартараф этиш, яқинлари, ватандошларига кўмак беришга интилишдан бир дақиқа бўлсин чекинган эмас. Албатта, бу ишларнинг бошида давлатимиз, Президентимиз турганини, у кишининг халққа, одамларга бўлган чексиз меҳрини, энг муҳими, бу ташаббуслар миллатни якдил ҳаракат қилишга, янада жипслаштиришга хизмат қилаётганини ҳар бир фикрли одам яхши англаб турибди. Юртбошимиз бу борада жиддий ҳаракатга киришган ўша январь ойидан буён ўтган кунларни кўз олдингиздан ўтказсангиз, қайноқ жараён бир зум ҳам тинмаганига гувоҳ бўласиз.



Қаранг, пойтахт ва вилоятлар, туманлар марказларида янги шифохоналар барпо этилмоқда, бу масканлар чет эллардан келтирилган тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуналар, дори-дармонлар билан узлуксиз таъминланмоқда. Ҳатто дунёнинг энг нуфузли ҳамда малакали шифокорлари олиб келиниб, халқимиз хизматига камарбаста этилмоқда. Баъзи қўшниларимиз ташқаридаги фуқароларининг айбини ўз гарданларига ташлаб "дарвозаларини" ёпиб олган бир пайтда, бизда минглаб хориждаги ватандошларимиз олиб келинмоқда, уларнинг соғлиғи, яшаш шароити ва келгуси ҳаёти ҳақида меҳрибонлик қилинмоқда.

Энди айтинг, булар ўз-ўзидан бўладими, ёки бўлмаса, чет элдаги нуфузли шифо масканларида бир кунда минглаб доллар топадиган шифокорлар иссиқ жойи, мўмай даромадини ташлаб бизнинг чиройли қош-қовоғимиз ҳурмати учун бу ерга келиб ўтирибдими?! Масалага шу нуқтаи назардан қарасак, жуда кўп нарса ойдинлашади.

Бугун дунёда кечаётган воқеаларни кузатиб шу нарсани сездимки, давлатлар ва ҳукуматлар сийратида ҳам худди одамлардагидек феъллар бўларкан. Масалан, сахийлик, ўз фуқароларига меҳрибонлик, жонфидолик бу шароитда ҳаммада ҳам бирдек кўринмади. Баъзи давлатлар масалани "бизда коронавирус йўқ" дея "юмалоқ ёстиқ" қилишган бўлса, баъзилари масъулият ва хавфдан ҳимояланишни тўғридан-тўғри одамларнинг зиммасига осиб қўйди.

Бу ерда гап, албатта, маблағ ҳақида кетаётир... Бизда эса бу масалага жуда кенг ҳамда инсоний нуқтаи назардан, айтиш лозим бўлса, Мирзиёевона қаралди. Жуда тез фурсатда 1 миллиард АҚШ долларидан ошиқ маблағга эга Инқирозга қарши курашиш жамғармаси шакллантирилди. Давлатга ва ғазнага қанчалик иқтисодий ҳамда социал таъсири бўлмасин, бутун мамлакатда қатъий карантин тартиби ўрнатилди...

Бизда шу кунга қадар 40 823 нафар инсон инфекцияга чалинган ва шунинг 37 947 нафари, яъни 93 фоизи шифо топгани ана шу ғамхўрлик ҳамда чора-тадбирларни жой-жойида қўллаганлик натижаси, десак, асло хато бўлмайди. Қолаверса, бунда ортиқча ваҳимага берилмаслик, яратилган шароит ва имкониятлардан кўнгил тўқлиги ҳам муҳим роль ўйнади, десак, тўғри бўлади.

Кўнгли нотинч одамнинг ишга, меҳнатга қўли бормайди. Бизда эса шу оғир шароитда ҳам кишиларимиз яратувчанлик билан банд, ғалладан тоғ-тоғ хирмон кўтарилди, ширин-шакар ноз-неъматлар бозорларимизни тўлдириб турибди, чор-атрофда ёш-ялангларнинг шодон қийқириқлари бир зум тинмайди... Бу одамга хуш кайфият бағишлайди, албатта.

Мана шулар ҳақида ўйлар экансиз, оддий бир ҳақиқат кундай равшан бўлади. Яратганнинг бизга берадиган неъмати — у хоҳ яхшилик бўлсин, хоҳ ёмонлик — ҳаммаси қандай яшашимизга, аниқ айтганда, ниятга боғлиқ. Терак экиб, ундан шафтоли кутиб бўлмайди. Қайдадир уруш, одамлар қон тўкмоқда, бир-бирини ўлдирмоқда. Қайдадир қўрқинчли сув тошқини, одамлар, қишлоқлар, шаҳарлар ҳайбатли тошқин остида қолиб кетмоқда. Қайгадир ўрмон ёнғинлари алангаси кўланкаси соя солмоқда. Қайдадир зилзила ёки кўп-кўп одамнинг уйини куйдириб юборган автоҳалокат, поезднинг йўлдан чиқиб кетиши ёки бўлмаса, самолётнинг қулаб тушиши...

***Ўзбекистонда ҳам синов даври бошланди. Ўша таҳликали кезларда мен Президентимиз ўтказган бир неча йиғилишларда иштирок этганман. Давлатимиз раҳбари йиғилганлар олдида ўзини қанчалик вазмин ва дадил тутмасин, ичида оғир бир хавотир, номсиз дард кезиниб юргани кўзларидан сезилиб турарди. Бу — дунёга ёйилиб кетаётган оғир бало, тилсиз "ёв"дан 34 миллион нуфусга эга халқимизни омон сақлаш, имкони борича талафотларни камайтириш, одамларнинг ҳаёти, турмуши ва саломатлиги учун масъуллик хавотири эди, назаримда.***

Бу кўргиликлар XXI асрга келиб, оддий ҳодисага айланиб қолди. Учинчи минг йилликка келиб инсоният ўз тарихида кам учратган, олдинлари, ҳатто эшитмаган ҳодисаларга гувоҳ бўлмоқда, унга унсизгина кўникишга мажбур бўлмоқда. Қаранг, коронавирус туфайли дунё мусулмонларининг энг муқаддас амали Ҳаж зиёрати тақиқланди. Ҳали айтганимиздек, ёзда бўлиши кўзда тутилган Токио олимпиадаси қолдирилди. Минглаб йирик корхоналар ишни тўхтатди, қанчадан-қанча авиарейслар бекор қилинди. Давлатлар бир-бири учун "дарвозалари"ни ёпди...

Кўрмаяпсизми, табиий офатлар олдида одам боласи ожиз. У ёлғиз ва ҳимояталаб. Шиддат билан ўзгараётган мана шу нотинч дунёда бизга яхшилик ҳамда меҳр-оқибат, ҳиммат ва раҳм-шафқат, ҳалол меҳнат ҳамда яхши ният тоғдек таянч бўлади.

Шукр қилишимиз керакки, биз бугун шундай бахтдан бебаҳра эмасмиз...

## ҲЕЧ КИМ ҲИМОЯСИЗ ЭМАС

Йўл юрган йўловчи маълум манзилга етгач, бир нафас тўхтайди. Бир ортга қараб, босиб ўтган йўлини сарҳисоб этади, бир боражак манзилига боқиб, режасини тузади.

Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги эшик қоқиб турган шу қутлуғ кунларда қўлга киритган ютуқлар, қад ростлаган улкан кошоналар, муқаддас динимизнинг кенг қанот ёйиши, ўғил-қизларимиз ўз истеъдодларини намойиш этиши билан боғлиқ эзгу ишлар билан бирга, юқорида айтганимиздек, бошимизга тушган ташвиш ва машаққатларни хаёлдан ўтказишимиз табиий.

Бироқ шуниси қувончлики, қисқа вақтда бошимизга тушиб ақлимизни шоширган, оромимизни бузган талафотлар жараёнининг бирортасида одамларимиз ҳимоясиз қолган, ўз ҳолига ташлаб қўйилган эмас.

Ҳатто энг оддий, кўпчилик эътиборга олмайдиган жиҳатлар ҳам Президентимиз назаридан четда қолмади. Бу, айниқса, 27-28 апрель кунлари Бухорода кучли шамол бўлганида кўзга яққол ташланди. Ўшанда мамлакатимизнинг жуда катта қисмини забтига олган шамолнинг тезлиги айрим жойларда сониясига 30 — 35 метрга етган. Офат, айниқса, Бухоро вилоятига кўп зиён етказди. Хўжалик тармоқлари жиддий зарарланди. Жумладан, нефть-газ, энергетика ва инфратузилма соҳалари, ижтимоий объектлар — касалхоналар, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, кўп қаватли ҳамда аҳолининг якка тартибдаги уй-жойлари, қишлоқ хўжалиги экинлари, шунингдек, ғалла, пахта, мева-сабзавот майдонлари ва иссиқхоналар катта талафот кўрди.

Табиийки, ўша пайтнинг ўзидаёқ Президентимиз бутун эътиборни Бухоро вилоятига қаратди. Биринчи навбатда, "Бухоро вилоятида юз берган табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиш қабул қилинди. Шу билан бирга, шу пайтнинг ўзида табиий офат оқибатларини кўздан кечириш, зарур чора-тадбирлар белгилаш, одамларнинг кўнглини кўтариш учун вилоятга етиб борди.

Очиғини айтганда, ҳар қандай кутилмаган фалокат одам боласини шоширади. Томларнинг хазондай учиб юриши юракка ваҳм солади. Бундай пайтда ҳар ким ҳам бир оғиз таҳсинга маҳтал бўлиб қолади. Шундай паллада ўша воқеалардан кейин Бухорога сафарим чоғида суҳбатлашганим, олотлик йигитнинг айтиб берганлари беихтиёр хаёлимда жонланади:

— Мен ўша кеч далада эртаги экинларга сув тараётган эдим, — дейди Асатулла Атоев. — Аввалига ҳар доимги шамолда, ўтиб кетар деб ўйладим. Йўқ, у сония сайин авжига олар, кўнгилдаги ваҳимани оширарди. Мен икки ўт орасида эдим. Нима муҳим, уй, болаларми ёки меҳнатим сингган, рўзғорим кўз тикиб турган томорқамми?.. Одам боласи оғир шароитда барибир уйга — ўлан тўшагига югураркан. Зўрға етиб келиб кўрдимки, болалар соғ-омон. Фақат иморатим катта зарар кўрган, том тўлиқ учиб кетган, айвон қисми ағдарилган. Хуллас, яшаб бўлмас аҳволда... Очиғи, буни кўриб ичим ҳувиллаб қолди. Чунки ота-онадан эрта етим қолиб, ҳаётнинг кўп ситамларини бошдан кечириб, туну кун меҳнат қилиб, умрим давомида топган давлатим шу — бошпанам эди... Оғир ва тушкун кайфиятда қолдим. Тонг ёришиб кўзим билан кўрдимки, талафот кўрган битта мен эмас. Офат жуда кўпчиликнинг рўзғорига катта зарар етказган. Маҳаллада аста-секин қўшнилар йиғилиб, биз томонларга Президент келаркан, деган хабар тарқалди. Бунга кимдир ишонмаганини изҳор этса, кимдир, "у одам, албатта, келади, мана кўрасизлар", дея гапини маъқуллатишга уринарди. Кўп ўтмай, вилоятимизга Президент Мирзиёев келаётгани ҳақидаги хабарни ижтимоий тармоқдан ўқиб кўнглимиз ёришди. Тўғриси, кўз тиккан даласидан, уй-жойидан ажраган, бир этак боласи билан чорасиз, деярли кўчада қолган мендек одамлар учун бу, энг аввало, катта мадад эди. У киши туманимизга, биз томонларга ҳам келди, одамлар билан учрашди, далаларни кўрди. Биласизми, мен ўша кезларда у кишининг юзидаги ташвиш, кўзларидаги мунг аралаш меҳрни кўриб, беихтиёр раҳматли отамни эсга олдим. Отам бизнинг қийин аҳволдалигимизни кўрса, шундай эзиларди, бор меҳрини, жону танини бергудай ҳаракатга тушарди... Шундай бўлди. Президентимиз одамларга барча кўрилган зарарларни давлат ўз зиммасига олишини, ҳеч ким эътибордан четда қолмаслигини ваъда берди. Биз кўп ўтмай бунинг ижобатини кўрдик. Худога шукр, уйим олдингисидан ҳам зиёда бўлди. Томорқадан кўрган зарарларни ҳам қоплаб беришди. Янги ҳосил ҳам ёмон эмас. Ўзим ёш кўринсам-да, яқинда набирали бўлмоқчимиз. Ният қилганманки, туғилажак норасида ўғил бўлса, исмини Шавкатжон қўяман. Буни тўғри маънода тушунинг. Одам ўзидан ўтганини ўзи яхши билади. Бу одам шундоқ келиб, ундай-бундай деб кетиши ҳам мумкин эди. Лекин Мирзиёев ундай қилмади. Офатдан зарар кўрган, рўзғори ярим бўлган одамлар олдига борди, уларнинг бошини силади, ҳеч ким қилмайдиган ҳимматни кўрсатди. Бу мардлик, тантилик. Бизда буни соддагина қилиб жўмардлик ҳам дейишади. Хўш, энди айтинг, нега энди мен бўлғуси зурриёдимнинг шу одам каби чин инсон, ватанпарвар ва миллатпарвар бўлишини орзу қилмаслигим керак!

# УЛҒАЙТИРГАН ЙИЛ

Бухоро тўфони ва унинг талафотларини бартараф этиш ҳақида гап кетганда ҳар сафар шу йигит — Асатулланинг ёниқ сўзлари хаёлимда айланади. Ҳа, у ўшанда ёниб ҳикоя қилганди. Сўзлари самимий, юракдан эди. Одатда одам бировдан меҳр кўрса, адолатнинг рўёбини кўрса, шундай — ҳаётга ишончи ошади, қалби яхшилик ва эзгуликка лиммо-лим тўлади.

## ЭЛНИ БИРЛАШТИРГАН ТОНГ

Ҳаётимизда содир бўлган, элимиз бошидан ўтказган синовлар ичида бунисининг зарби бошқаларидикидан ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас.

...Ўша тонгда Сардобада содир бўлган тошқин кўлами, унинг зиён-захмати давлатга ҳам, одамларимизга ҳам жуда қимматга тушгани бор гап. Тўғон ўпирилгач, 276 квадрат километр майдонни



сув босган, 24 та маҳалладан 90 минг нафарга яқин фуқаролар зудлик билан хавфсиз жойларга кўчирилган. Энг ёмони, бу офат бир неча юртдошларимизни ҳам орамиздан олиб кетди...

Албатта, давлатимиз талафотлар оқибатларини бартараф этиш учун зарур бўлган барча ишни қилди. Ҳамма чора-тадбирлар кўрилди. Бу тошқиннинг кўнгилда ғашлик қўзғатадиган яна бир томони — қўшни Қозоғистонга ҳам унинг зарари етди. Сардобада рўй берган техноген офат туфайли Мақтарал туманининг айрим аҳоли пунктлари ҳам сув остида қолди. 845 та уй вайрон бўлган. 14 та қишлоқдан 31606 нафар одам эвакуация қилинган. Шубҳасиз, қўшниларнинг бошига тушган ташвиш бизникидан кам эмас эди...

Офат содир бўлган куннинг эртасигаёқ Президент воқеа жойига етиб борди. Ўзи пою пиёда тошқин босган ҳудуд, маҳалла ҳамда хонадонларни лой кечиб кўздан кечирди. Совуқдан дийдираб, нима бўлганини ҳам тушунмай қолган одамлар билан учрашди. Шу ернинг ўзида қилиниши керак бўлган ишлар режасини ишлаб чиқди. Аниқ ва пухта стратегия белгиланди. Шу ўринда бир нарсага аҳамият қаратиш ўринлики, биз тўрт йилдан буён мамлакат Президентининг оддий одамлар орасида юришига, тап тортмай, далами, қир-адирми оралаб, кечиб кетаверишига, энг муҳими, ўзининг ўрнини оддий одамлар орасида, деб билишига ўрганиб қолган эканмиз.

Бироқ биз учун оддий ҳолатга айланиб бораётган Юртбошимизнинг бу халқчил ҳаракатлари ва ўзига хос характери қозоқ биродарларимизни жўштириб юборди. Жумладан, ўша таҳликали кезларда талафотдан биз билан бирдек азият чеккан бовурларимиз ижтимоий тармоқларда Президент Мирзиёевга нисбатан ҳурматлари ва ҳайратларини ёзиб қолдиришди.

Улардан бири — Насиба Ибрагимова. У “Фейсбук”даги саҳифасида шундай фикр қолдирганди: *“ўзбеклар талафот кўрган биродарларига кийим-кечак, егуликлар, кўрпа-тўшак тарқатяпти. Биз ҳам азият чеккан қозоқларимизга саховат кўрсатайлик. Орамиздан ташкилотчи чиқиб, бу тадбирни бутун Қозоғистонга ёйлик... Ўзбекларни кўрмайсизларми, Президентининг ўзи, сув кечиб, йўқотган ҳамма нарсаларинг, ҳужжатларинггача янгилаб берамиз, деяётир...”*

Мунира Сактанованинг қисқагина изоҳи ҳам шу мазмунда:

*“Ўзбекистон Президентига осон тутиб бўлмайди ҳозир, ҳаммасини ўзим қилиб бераман, деб гарданига олди. Бовурларимизга сабр берсин!”*

Венера Елеушенова *“Талафот жойида шахсан Ўзбекистон Президентининг ўзи туриб, қутқарув ишларига бош бўлмоқда”* деб ёзса, Алифбек Аминов деган фойдаланувчи *“Бундан ўрнак олса арзийди”,* деб унинг фикрини маъқуллайди.

***Шу йилнинг 31 май куни “Чашма” участкасидаги воқеалар марказида яна шу булоқ пайдо бўлди. Кўзига қон тўлган ҳар икки томон ўзи ҳақлигини исбот этиш учун майдонга чиқди. Вазият ўта қалтис эди. Арзимаган нарсадан чиққан чақин оловга айланиши мумкин эди. Буни биз ўз яқин тарихимизда ҳам, дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалар мисолида ҳам кўриб турибмиз. Буни англаган Президентимиз одатига кўра, тез ҳамда тўғри қарор қабул қилди. Масалани пайсалга солмай жойида кесди.***

Хуллас, Президентимиз ва халқимиз бирдамлигига тасанно айтиб қолдирилган бундай фикрларга ижтимоий тармоқларда жуда кўп дуч келиш мумкин эди ўша кунлари. Бу ерда яна бир муҳим омил борки, буни гапирмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Бу, халқнинг, миллатнинг якдиллиги, бирикиши ҳақидаги мулоҳаза. Тўғри, халқимиз ўз бошидан кўп кўргиликларни, бало-қазоларни ўтказган. Ҳар дамда бир-бирини суяган, дардига дармон бўлган. Лекин халқнинг Сардоба тошқинидан жабр кўрган ватандошларга ёрдамга чоғлангандай уюшқоқлик, сафарбарлик камёб ҳол, назаримда.

Хабарингиз бор, уйсиз, кийим-кечагу кўрпа-тўшаксиз, егуликсиз совуқда дийдираб қолган сардобаликларга саховат кўрсатиш учун бутун мамлакат аҳолиси, халқимиз оёққа турди. Буни бутун дунё кўрди, халқнинг жипслашиши, бир ёқдан бош чиқаришига тасаннолар айтди. Шу ўринда XX асрнинг буюк ёзувчиси Франс Кафканинг кундаликларида миллатимиз шарафига битган кичик бир фикри хаёлимда айланади.

У “Тошкент — нон шаҳри” асарини ўқиб бўлгач, кундалигига “бундай халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди”, дея ўз иқрорини ёзиб қўйган...

Албатта, халқимиз буюк ўтмишга, шонли тарихга эга. Бу муқаддас тупроқ кўплаб жасоратли ва қаҳрамон ўғлонларга бешик бўлган. Ана шу мард, танти ҳамда миллатпарвар йўлбошчилар миллатимизнинг номини тарих зарварақларига олтин ҳарфлар билан битиб қўйган. Халқни адолат ва ҳуррият сари ортидан эргаштира олган, ўз миллати, халқини бир мақсад йўлида жипслаштира олган йўлбошчилар тарихда кам учрайди. Биз юқорида санаган воқеалар жараёни, айниқса, Сардоба масаласида бу жиҳат миллатнинг бирикиши омили янада бўртиброқ кўринди.

Бироқ ҳар гал бўлганидек, бу сафар ҳам вазиятдан фойдаланиб, ўртага адоват уруғини сочмоқчи бўлган қора кучларнинг таъсири шундоқ сезилиб турди. Аммо ўтмишию кечмиши, тарихий илдизлари биз билан бир бўлган қозоқ биродарларимиз фожиага кенг қарашди. Бағрибутунлик хусумат алангасини ўчирди. Икки орани бузмоқчи, этни тирноқдан ажратмоқчи бўлган қора кучнинг ғаразли нияти амалга ошмади. Азал-азалдан ён қўшни — жон қўшни, қуда-анда бўлиб яшаб келган халқларимиз ўша серташвиш кунларда ҳам бир-бирларига ҳамдам, ҳамнафас, тоғдек таянч бўлди. Синовли дамларда гина-кудуратга ўрин қолмади.

— Қозоғистонлик биродарларимизга бу офат оқибатларини бартараф этишда, албатта, керакли ёрдамни берамиз, — деди Президент. Ва шундай ҳам бўлаётир!

Эсингизда бўлса, ўша кезлар давлатимиз раҳбари Қозоғистон раҳбарияти билан бир неча бор телефон орқали очиқ суҳбат қилди ва ўзаро келишувга эришди. Кучлар бирлашди. Ҳозир икки давлат ҳамкорликда талафот оқибатларини бартараф этаётир.

Оғир кунлар ортда қолди. Бир-биримизга кўрсатган меҳр-оқибат ва яхшилик ҳамиша кўнглимизга ойдинлик ҳамда қувонч бағишлаб туради...

## ҚЎШНИЧИЛИК — МИНГ ЙИЛЧИЛИК

Йил оғир келди. Қаранг, Бухорода сўнгги 50 йилда бундай офат бўлган эмас. Сардобада рўй берган тошқин ҳам ҳазилакам зарба эмас. Устигаустак, Сўх воқеалари...

Шуни айтиш керакки, кейинги йилларда қирғиз халқи билан, қирғиз биродарларимиз билан кўп хайрли ишларни қилдик. Ўйлайманки, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Қўшничилик — минг йилчилик. Аммо афсуски, Сўхда ўша кўнгилсиз воқеа содир бўлди. Бу кўз юмиб бўлмайдиган факт. Бироқ бунинг сабабини миллатлараро низо, ўзаро чиқишолмаслик деб қараш нотўғри бўлади, назаримда. Зотан, Сўх воқеаларини юзага олиб чиққан сабаб фақат, айтилаётганидек сув талашиш эмас. Узоқ йиллар кўз юмиб келинган ижтимоий муаммолар, қозоннинг қопқоғини ёпгандай қилиб беркитиб ташланган халқнинг дарду ташвишлари оқибатида, сабр косасининг тўлиши фонида юзага чиқди бу кўнгилхираликлар. Ўзингиз ўйланг, бир суверен давлатнинг фуқаросисиз-у ўша давлат халқи фойдаланадиган имкониятлар ва имтиёзлардан маҳрум бўлсангиз, ҳатто вилоят марказига бориш учун кимларгадир қуллуқ қилсангиз, болангизни жўнатиб, келгунича қон ютиб ўтирсангиз... Бундай кўргиликларга одам боласи қанча чидаши мумкин?! Сўхдаги воқеаларни шунга ўхшаш узоқ йиллардан буён ҳал этилмай келаётган адолатсизликлар саҳнага олиб чиқди, десак, тўғрироқ бўлади, менимча.

Энди шу ўринда Сўх тўғрисида маълумот бериб ўтсак. Зеро, айтмоқчи бўлган фикрларимизнинг унга дахли бор. Қолаверса, тарих ва аниқ маълумотлар моҳиятни чуқурроқ очишда ёрдам беради.

Демак, Сўх тумани 1942 йил ташкил топган. 1959 йилгача Риштон тумани таркибига киритилган. **1990 йил 27 февраль куни** у яна алоҳида туман сифатидаги мақомини тиклаган. Маркази — Равон шаҳарчаси.

**Сўх аҳолиси ва майдони жиҳатидан дунёдаги энг катта эксклав ҳудуд ҳисобланади.** Майдони — 352 $км^2$. Аҳолиси 80 минг нафарга яқин. Туман аҳолисининг катта қисмини тожик миллатига мансуб фуқаролар ташкил қилса-да, бу ерда азалдан ўзбек, қирғиз ва бошқа миллат вакиллари ҳам баҳамжиҳат, оға-инидек яшаб келишади.

Сўхнинг тарихи кўп қўҳна. Хусусан, Чашма булоғи ҳам шундай. Бу ерда азалдан аҳил-иноқ яшаб келаётган халқлар бир булоқдан сув ичишади.

Собиқ иттифоқ даврида қўшни давлат билан чегара ҳудудда бўлган булоқ жойлашуви бўйича ҳужжатларда аниқлик киритилмаган. Шу сабабли мустақилликка эришилганидан сўнг бу маскан баҳсли ҳудудга айланиб, икки мамлакат фуқаролари ўртасида сув талашиб баҳсу мунозаралар илгарилари ҳам бўлиб турган.

Шу йилнинг 31 май куни “Чашма” участкасидаги воқеалар марказида яна шу булоқ пайдо бўлди. Кўзига қон тўлган ҳар икки томон ўзи ҳақлигини исбот этиш учун майдонга чиқди. Вазият ўта қалтис эди. Арзимаган нарсадан чиққан чақин оловга айланиши мумкин эди. Буни биз ўз яқин тарихимизда ҳам, дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалар мисолида ҳам кўриб турибмиз. Буни англаган Президентимиз одатига кўра, тез ҳамда тўғри қарор қабул қилди. Масалани пайсалга солмай жойида кесди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғи билан Бош вазир Абдулла Арипов воқеа содир бўлган куни Сўхга етиб келди ва вазият тўлиқ назоратга олинди. Икки давлат делегациялари учрашиб, ҳамкорликда мазкур масала ечимини муҳокама қилишди. Ҳудудда вазият барқарорлашишига эришилди.

Воқеаларнинг асл ҳолатини билиш учун ўша қайноқ кунларда оммавий ахборот воситаларида чоп этилган бир инсоннинг фикрларига эътибор қаратсак:

— *Чашма қишлоғида нохуш воқеалар содир бўлиб, бир қанча одамлар азият чекди,* — дейди Фарғона давлат университети ўқитувчиси, сўхлик Раҳматжон Арслонзода. — *Ўн йилга яқин чегаралар ёпиқ бўлиб, кўп қийинчиликларни кўрдик. Президентимиз қўшни давлатлар билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиб, чегараларни очиб берди. Бундан барчамиз миннатдормиз. Албатта, муаммо бор. Лекин унинг ечими биз ўйлагандек осон эмас. Бу давлатлараро муносабатлар билан*



*боғлиқ бўлиб, уни ҳиссиётга берилиб ҳал қилиш мумкин эмас. Давлат раҳбарлари музокаралар йўли билан бу муаммога ечим топади, албатта. Биз азалдан ўзаро аҳил-тотув, қуда-анда бўлиб яшаб келганмиз. Бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.*

Сўхда юзага келган асосий муаммо чегара билан боғлиқ. 2013 йил Риштондаги назорат ўтказиш пункти ёпилган. Сўхликларнинг вилоят марказига бориб келиши янада қийинлашган. Нимага десангиз, Фарғона шаҳрига бориб келиш учун икки давлат ҳудудидаги бир неча чегара ва божхона назоратидан ўтиш лозим. Қўшни мамлакат ҳудудида йўл юриш керак, бу — яна текширув дегани. Шунинг учун сўхликлар Риштон тумани бўйлаб йўл очиб беришни сўрамоқда. Хуллас, масала ечими чегара билан боғлиқ. Бу бўйича ҳукуматимиз бир неча йилдан буён музокара олиб бормоқда. Риштон ҳудуди орқали чегара постини очиш масаласи ҳам чегара билан боғлиқ иш. Бу ўз-ўзидан, хамирдан қил суғургандай битадиган иш эмас. Бунда амалдаги тартиб-қоидаларга риоя этиш керак бўлади.

Бош вазиримиз Абдулла Арипов Сўх тумани аҳолиси билан учрашувда одамларни қийнаётган муаммолар тугал ечим топишига алоҳида урғу берди. Йиғилган аҳолига Президентимизнинг дил сўзларини, Сўх бўйича режаларини етказди. Шундан сўнг республика вазирлик ва идоралари, вилоят бошқарма бошлиқлари туманга келиб, одамлар билан суҳбат ўтказди, уларнинг талаб ҳамда таклифларини ўрганди.

Афсуски, ижтимоий тармоқлар мазкур ҳудудда бўлган ўша можарони ҳамон турлича талқин этаётир. Бу эса одамларни чалғитмоқда. Вазиятдан фойдаланиб, қора кучлар ўт чиқаришга уринмоқда. Аммо халқимиз бундай ҳодисотни кўп кўрган, ҳеч қачон қутқуларга учган эмас. Асл билан рўёни фарқлай оладиган халқимиз бор. Бугун сўхликлар Президентимиз меҳрини дилдан ҳис қилиб, ҳаётларидаги ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўришмоқда. Қаранг, тумандан вилоят марказига ҳаво парвозлари йўлга қўйилиши, олий таълимга тест синовларида туман ёшларига қўшимча имтиёзларнинг берилиши, инфратузилманинг замонавийлашиши, тадбиркорларга алоҳида преференцияларнинг жорий этилиши... Қолаверса, аҳолининг табиий газ таъминотини яхшилаш, шунингдек, уй-жой билан таъминлаш борасида қилинган ва қилинаётган ишлар фикримизнинг тасдиғидир.

Очиғини айтганда, Президентимизнинг “2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори туман аҳли учун катта имкониятлар эшигини очди. Бундай қарор тарихда бўлган эмас. Эътибор қилинг, унга кўра, 639 миллиард сўм қийматга эга 146 та лойиҳа амалга оширилади.

Замонавий ва рақобатбардош саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, соҳани кўплаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, таълим ҳамда тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби эзгу мақсадлар мазкур лойиҳалар негизини ташкил этади.

— Кейинги йилларда қўшни давлатлар билан чегарадош жойлардаги кўп муаммоларни ҳал қилишга эришдик, — дейди давлатимиз раҳбари. — Сўхдаги воқеалар қирғиз халқи билан дўстлигимизга, борди-келдимизга, режаларимизга таъсир қилмаслиги керак. Вазмин, сабр-тоқатли, меҳр-оқибатли бўлишимиз зарур. Қўшничилик — минг йилчилик... Дарҳақиқат, биз неча минг йиллардан буён бир-биримизга елкадош бўлиб, бир-биримизни суйиб яшаб келаётган халқлармиз. Биримизнинг ғалабамиз доим иккинчимизни хурсанд қилган. Элнинг буюклари, истеъдодлари ҳам доим ўртада ардоқли бўлган.

Улуғ ёзувчи Чингиз Айтматовнинг ўлмас асарлари она тилимизда қайта-қайта чоп этилаётгани, гўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги энг кўркам кўча унинг номи билан аталиши, ҳамманинг ҳавасини келтираётган обод ва тароватли Манас шаҳарчаси ўзбек ҳамда қирғиз халқлари дўстлигининг мумтоз намунасидир.



## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ «МАРВАРИДИ»

Бугун бутун туркий халқлар Самарқанду Бухоро билан ҳақли равишда ифтихор қилади. Сиз яхши биласиз, бу афсонавий шаҳарлар бир кунда бино бўлмаган. Улуғларимиз, ота-боболаримиз асрлар давомида қон билан, пешона тери билан, меҳр билан уларга сайқал берган.

Мустақиллик бошларида ва ҳатто бундан тўрт-беш йил илгари ҳам Мўйноқ деса, одамларнинг тепа сочи тикка бўлар эди. Оналар ўлими, болалар ўлими, денгиз ўрнидан кўкка учаётган ҳайбатли чанг-ғубор ҳақида айюҳаннос солар эди. Бугун Оролбўйи яшил ҳудудга айлантирилмоқда, Мўйноқ замонавий шаҳарча тусини олмоқда. Яқинда эса Мўйноқда яна бир кўркам бино қад ростлади. У Бўзотовда жойлашган. Номи — “Оқ кема”. Болалар соғломлаштириш маскани.

Оромгоҳнинг очилиш маросимида “Аргументы и факти”да ўқиган бир фикр хаёлимдан ўтди: “Илгари, — деб ёзади унда коинотшунос олим, — денгиз ўрнидан кўтарилган чанг-туз Шарққа қараб ҳаракатланар эди. Ҳозир эса бу хавфли-хатарли тўзон Ғарбга қараб силжиётир”...

Олим бу билан Орол муаммоси нақадар глобал аҳамият касб этаётганини таъкидлайди. Президентимиз томонидан кейинги йилларда Орол атрофида амалга оширилаётган кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари нафақат биз учун, эҳтимолки, биздан олисларда яшаётган, бизни ҳатто танимаган одамлар ҳаёти учун ҳам ғоят аҳамиятлидир. Гап Мўйноқ ҳақида кетар экан, шаҳарча айни даврда ўзининг янгидан туғилиш даврини бошдан ўтказмоқда. Унда қад ростлаган муҳташам оромгоҳда ўғил-қизларимиз мароқли дам олиш билан бирга, жисмонан чиниқади, ўзларининг интеллектуал салоҳиятларини оширади... Унинг ҳудуди 12,7 гектар. У эзгу ниятлар билан “Оқ кема” дея аталган.

Президентимиз кўрсатмаси ва топшириғи билан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси бу иншоот қурилиши учун 36 миллиард сўм ажратди. Қурилиш ишларини “Шорахан қурилиш монтаж” МЧЖ амалга оширди.

“Оқ кема” оромгоҳи бир навбатда 250, йил давомида 600 нафар болани қабул қилади. Марказ ётоқхоналари бежирим жиҳозлар билан таъминланган. Футбол, баскетбол, волейбол майдончалари ва сузиш ҳовузи мавжуд. Стол тенниси, шахмат-шашка ўйинлари учун махсус жойлар қилинган. Амфитеатр ва китобга бой кутубхоналар ишлаб турибди. Тиббиёт хоналари, ошхоналар замонавий ускуналар билан таъминланган. Оромгоҳ хизматчилари **50** тадан ортиқ. Бу янги иш ўринлари дегани...

Мен бу мисолни ўз кўзим билан кўрган, бўлаётган ишларнинг бевосита иштирокчиси бўлганим учун келтирмоқдаман. Ҳолбуки, бугун Мўйноқда ўнлаб ана шундай бунёдкорликлар амалга оширилмоқда. Халқнинг турмуши фаровонлиги учун мислсиз эътибор қаратилмоқда. Насиб бўлса, Мўйноқ Ўзбекистоннинг “марвариди”га айланади.

Куни кеча эса Мўйноқ аэропортига самолёт қўнди... Бу Ўзбекистоннинг энг чекка ва узоқ йиллар эътибордан четда қолган, энг катта офат — қуриган Оролнинг ситамларини тортиб келаётган мўйноқликларга ҳаётнинг тотли насимлари мудом эсиб турганини, шу билан бирга, халқнинг дардини бир дам унутмайдиган Йўлбошчининг улкан ислоҳотлари самарасини кўрсатади.

...Жонажон Ўзбекистонимиз бўйлаб, гарчи шунча ташвишларга қарамай, амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари эса алоҳида мавзу...

***Эътибор қилдингизми, қисқагина 7-8 ой ичида халқимиз, мамлакатимиз қандай ташвишларни бошидан ўтказди?! Албатта, ҳар қандай жароҳат ҳам қизиғида билинмайди. Лекин уни бартараф этиш, жамият ҳаётида унинг “оғриқ”ларини имкон қадар кучсизлантириш, одамларнинг кўнглини олиш, бошини силаш, уларни рози қилиш, ҳеч кимнинг кўзидан ёш оқизмасдан шу оғир юк билан олдинга, тараққиёт ва ёруғ кунларга интилиш... Нима, булар ўз-ўзидан бўладими?!***

***Агар сезган бўлсангиз, биз шу қисқа фурсатда мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида содир бўлган 3-4 муҳим, ташвишли воқеа тафсилотларини мухтасаргина шарҳладик. Зотан, айни ўша омиллар бугун юртимизда юз бераётган тарихий, оғир кечмишли жараёнларнинг мундарижасини белгилайди. Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб тутилган оқилона йўл, ҳассос донишмандлик, халқчил қарорлар, кучли сиёсий ирода ва енгилмас сабр-матонат, бу ғалабанинг асоси бўлади. Ўйлаб кўринг, дунё давлатлари биргина коронавирус пандемияси билан олишиб, иқтисодиёти, ижтимоий аҳволи карахт ҳолга келиб қолган, вазиятлари таранглашган бир пайтда, Ўзбекистон давлати ва халқимиз ижтимоий-иқтисодий таъсир зарбаси пандемияникидан кам бўлмаган яна бир неча оғир “силтовлар”ни ҳам бошидан кечирди.***

***Бу фақат айтишга осон. Кўриб турибмиз, кўплаб давлатлар саросимада ўз суверенитетини хавфга қўйиб бўлса-да, синиқ карсонини кўтариб дунё кезиб чиқди. Бироқ Ўзбекистон ўз сиёсий позициясидан оғишмади, ҳар турли иқтисодий экспансиялардан ҳимояланди. Бундай қарорларни қабул қилиш, оғир вазиятда тўғри йўл танлаш одамдан, албатта, катта билим, юксак тафаккур талаб этади.***

***Мана, пойтахт кўчаларига чиқинг, вилоятлар, туманлар марказлари, олис қишлоқларни кезинг, барча гўшада қурилиш, бунёдкорлик. Кўриб, кўзингиз қувонади. Энг муҳими, одамлар кўзида эртанги ёруғ кунларга ишонч порлаб турибди. Яратиш, ўқиш-ўрганиш ва меҳнат шавқи болаларимиз юз-кўзларида балқимоқда. Ўрни келганда шуни айтишим керакки, бошимиздан кечирган ҳамда кечираётган шунча кўргиликлар фонида жамиятда бундай қатъий ишонч пайдо қилиш учун, аввало, Йўлбошчининг ўзида шу ишонч ва матонат бўлиши керак.***

***Бизнинг бахтимиз шундаки, Президентимиз томирларида худди ёвқур боболаримиз Жалолиддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темурникидек ҳаққа ва адолатга, яратувчанлик ҳамда бунёдкорликка ташна қон оқиб турибди. Бу жафокаш ва матонатли халқимизнинг бахтидир!***

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**маъмурий-ҳудудий тузилиш** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудини маъмурий-ҳудудий бирликларга бўлиш;

**маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари** – маъмурий-ҳудудий бирликларни тузиш, тугатиш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг бўйсунувини ўзгартириш;

**республика бўйсунувидаги шаҳарлар** – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари билан аниқланиши мумкин бўлган, стратегик аҳамиятга, йирик саноат корхоналарига ва ривожланган инфратузилмага эга бўлган, шунингдек истиқболли иқтисодий ва маданий марказлар бўлган аҳоли пунктлари;

**туман бўйсунувидаги шаҳарлар** – аҳолисининг сони, қоида тариқасида, камида етти минг киши бўлган, саноат корхоналарига ва ривожланган инфратузилмага эга бўлган аҳоли пунктлари;

**туманлар** – вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси таркибидаги, қоида тариқасида, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардан иборат бўлган маъмурий-ҳудудий бирликлар;

**чегара чизиғининг тавсифи** – чегара чизиғининг йўналиши ва маъмурий-ҳудудий бирлик чегараларининг картографик чизмасида кўрсатилган, чегара чизиғини бурилиш нуқталарининг координаталари, шунингдек жойнинг тегишли топографик элементлари билан боғлайдиган чегара нуқталари ўртасидаги масофа кўрсатилган ҳолда, чегара чизиғининг ўтиш тавсифини ўз ичига олган асосий ҳужжат;

**шаҳарлардаги туманлар** – шаҳарларнинг маъмурий-ҳудудий бирлик мақомидаги, аҳолисининг сони, қоида тариқасида, камида йигирма минг киши бўлган, фуқаролар йиғинларидан (маҳаллалардан) иборат бўлган қисми;

**шаҳарчалар** – аҳолисининг сони, қоида тариқасида, камида икки минг киши бўлган, саноат корхоналари, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида жойлашган, фуқаролар йиғинларидан (маҳаллалардан) иборат бўлган аҳоли пунктлари;

**Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари** – вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси;

**қишлоқлар ва овуллар** – туманлар ҳудудида жойлашган, фуқаролар йиғинларидан (маҳаллалардан) иборат бўлган аҳоли пунктлари.

### 4-модда. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши соҳасидаги асосий принциплар

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг яхлитлиги ва бўлинмаслиги;

қонунийлик;

маъмурий-ҳудудий бирликлардаги давлат бошқарувининг самарадорлиги;

маъмурий-ҳудудий бирликларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантирилиши.

### 5-модда. Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишининг таркибий қисмлари

Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллардан, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикаси туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардан иборат.

Вилоятлар туманлардан, шунингдек вилоят ва туман бўйсунувидаги шаҳарлардан, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардан иборат. Вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар доирасида ҳам туманлар ташкил қилиниши мумкин.

Вилоятларнинг маъмурий-ҳудудий чегаралари доирасида республика бўйсунувидаги шаҳарлар бўлиши мумкин.

Тошкент шаҳри туманлардан иборат.

## 2-боб. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

### 6-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ўз ваколатлари доирасида:

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларига доир қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларига доир таклифларини кўриб чиқади;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларига доир таклифларини келишади.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан уларнинг регламентлари асосида амалга оширилади.

### 7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларига доир таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларига доир таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун киритади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари бўйича илтимосномаларини кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари бўйича комиссия ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 8-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши соҳасидаги ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ўз ваколатлари доирасида:

Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларига доир қарорлар қабул қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларига доир таклифларини кўриб чиқади;

Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларига доир таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун киритади.

Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини кўриб чиқиш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан унинг Регламенти асосида амалга оширилади.

### 9-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши соҳасидаги ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ўз ваколатлари доирасида:

Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларига доир таклифлар тайёрлайди;

туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари бўйича илтимосномаларини кўриб чиқади;

Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларига доир таклифларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига кўриб чиқиш учун киритади;

Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари бўйича комиссия ташкил этади.

### 10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маъмурий-ҳудудий тузилиш соҳасидаги ваколатлари

Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар (Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ва шаҳарлари) Кенгашлари ўз ваколатлари доирасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларига доир қарорлар қабул қилади. Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар (Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ва шаҳарлари) Кенгашлари томонидан маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларига доир қарорлар қабул қилиш тартиби уларнинг регламентларида белгиланади.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар (Қорақалпоғистон Республикаси туманлар ва шаҳарлар) ҳокимлари ўз ваколатлари доирасида:

маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича илтимосномалар киритади;

маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича комиссиялар ташкил этади;

маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича илтимосномаларнинг давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминлайди;

маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараловчи марза белгилари ўрнатилишини таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 11-модда. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ўз ваколатлари доирасида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига кўра Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларига доир ҳужжатларни, шу жумладан хариталар ва чегаралар чизиғи тавсифини тайёрлайди, чегаралар нуқталари координаталарининг каталогини тузади;

маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг низоли участкаларига аниқлик киритиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини келишиб олиш учун хариталар тайёрлайди;

нашр қилинадиган (тарқатиладиган) хариталарда маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг тўғри акс эттирилиши устидан назоратни амалга оширади;

Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг давлат реестрини юритиш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади ҳамда уни юритади;

маъмурий-ҳудудий бирликларнинг навбатчи хариталарини тайёрлаш тартибини ва уларга доир талабларни тасдиқлайди ҳамда навбатчи хариталарни юритади;

маъмурий-ҳудудий бирликларнинг қўшни чегаралари кўрсатилган хариталарни келишиб олиш учун тайёрлайди;

маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараларини жойида марза белгилари билан белгилаш бўйича ер тузиш, геодезия ва картография ишларини бажаради.

## 3-боб. Маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш тартиби

### 12-модда. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари бўйича комиссиялар

Маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича комиссиялар (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифларини ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар (Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ва шаҳарлари) ҳокимларининг илтимосномаларини кўриб чиқиш ҳамда давлат экспертизасидан ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раҳбарлари киритилади.

Кўриб чиқиладиган масалалар мазмунига қараб, комиссиялар таркибига давлат ҳокимияти органларининг, давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар (Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ва шаҳарлари) ҳокимлари томонидан ташкил этиладиган комиссиялар таркибига кўриб чиқиладиган масалалар мазмунига қараб, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли ҳудудий бўлинмаларининг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари киритилиши мумкин.

Комиссияларнинг ишлаш ва уларнинг фаолиятини тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

### 13-модда. Комиссияларнинг асосий вазифалари

Комиссияларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

тегишли ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини ва демографик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларига доир таклифлар ва илтимосномаларни, шунингдек таклифлар ва илтимосномалар тегишли ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг истиқболли режаларига мувофиқлигини давлат экспертизасидан ўтказиш;

маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал қилишда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ҳисобга олинишини таъминлаш;

маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал қилишда хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ва бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳолатларининг олдини олиш;

маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини кўриб чиқишда асоссиз қарорлар қабул қилинишига йўл қўймаслик.

### 14-модда. Комиссиянинг хулосаси

Комиссия маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича келиб тушган таклифни ёки илтимосномани бир ой ичида кўриб чиқади. Комиссия кўриб чиқиш ва давлат экспертизаси якунларига кўра хулоса тайёрлайди.

Комиссиянинг хулосасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларига доир таклифларнинг ёки илтимосномаларнинг асослантирилганлиги таҳлили тегишли ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини, жорий ва истиқболдаги демографик кўрсаткичларини, шунингдек комплекс ривожлантиришнинг истиқболли режаларини ҳисобга олган ҳолда акс эттирилиши керак.

Алоҳида ҳолларда хулосани тайёрлаш муддати комиссияни ташкил этган давлат органларининг қарори билан бир ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Комиссиянинг ижобий хулосаси маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича қарор қабул қилишга ваколатли бўлган давлат органига тақдим этилади.

Салбий хулоса чиқарилган тақдирда, тақдим этилган материаллар маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича таклиф ёки илтимоснома тайёрлаган давлат органига маромига етказиш учун қайтарилади.

### 15-модда. Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг давлат реестри

Маъмурий-ҳудудий бирликларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан уларни Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг давлат реестрига киритиш йўли билан амалга оширилади.

Маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича таклиф ёки илтимосномалар тақдим этган давлат органлари ваколатли давлат органлари томонидан ижобий қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида тегишли ҳужжатларни Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг давлат реестрига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига киритиши шарт.

Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг давлат реестри қуйидагилар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олади:

маъмурий-ҳудудий бирликларнинг тоифалари ва номлари;

маъмурий-ҳудудий бирликларнинг маъмурий марказлари;

маъмурий-ҳудудий бирликларнинг тавсифлари ва картографик тасвирлари;

маъмурий-ҳудудий бирликларни тузиш, тугатиш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш, маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйсунувини ўзгартириш саналари;

маъмурий-ҳудудий бирлик таркибига кирувчи маъмурий-ҳудудий бирликларнинг рўйхати;

маъмурий-ҳудудий бирликнинг муайян маъмурий-ҳудудий бирлик таркибига мансублиги;

маъмурий-ҳудудий бирликлар майдони ва уларнинг ҳудудида яшайдиган аҳоли сони (аҳолини охирги рўйхатга олиш маълумотлари бўйича).

Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг давлат реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## 4-боб. Маъмурий-ҳудудий бирликларни тузиш ва тугатиш

### 16-модда. Вилоятларни тузиш ва тугатиш

Вилоятларни тузиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

вилоятни тузиш ёки тугатиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган таклиф;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари лойиҳалари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

вилоят чегараларининг ва вилоят таркибига ҳудудлари ўтказилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда вилоят чегаралари чизиғининг тавсифи (вилоятни тузиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

таркибига тугатилаётган вилоят ҳудуди ўтказилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ва маъмурий-ҳудудий бирликлар чегаралари чизиғининг тавсифи (вилоятни тугатиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

вилоятни тузиш ёки тугатиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

### 17-модда. Республика бўйсунувидаги шаҳарларни тузиш ва тугатиш

Республика бўйсунувидаги шаҳарларни тузиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

республика бўйсунувидаги шаҳарни тузиш ёки тугатиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган таклиф;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари лойиҳалари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

республика бўйсунувидаги шаҳар чегараларининг ва республика бўйсунувидаги шаҳар таркибига ҳудудлари ўтказилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда республика бўйсунувидаги шаҳар чегаралари чизиғининг тавсифи (республика бўйсунувидаги шаҳарни тузиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

таркибига тугатилаётган республика бўйсунувидаги шаҳар ҳудуди ўтказилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ва маъмурий-ҳудудий бирликлар чегаралари чизиғининг тавсифи (республика бўйсунувидаги шаҳарни тугатиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

республика бўйсунувидаги шаҳарни тузиш ёки тугатиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

### 18-модда. Вилоят ва туман бўйсунувидаги шаҳарларни, вилоятлар туманларини, Тошкент шаҳар туманларини ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туманларини тузиш ҳамда тугатиш

Вилоят ва туман бўйсунувидаги шаҳарларни, вилоятлар туманларини, Тошкент шаҳар туманларини ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туманларини тузиш ҳамда тугатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тегишли вилоятлар ҳокимларининг, Тошкент шаҳри туманларига нисбатан эса – Тошкент шаҳар ҳокимининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

тегишли шаҳар ёки туманни тузиш ёки тугатиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли шаҳар ёки туманни тузиш ёки тугатиш масаласи бўйича вилоят халқ депутатлари Кенгашининг қарорини, Тошкент шаҳри туманига нисбатан эса – халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори;

вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

шаҳар ёки туман чегараларининг ва шаҳар ёки туман таркибига ҳудудлари ўтказилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда шаҳар ёки туман чегаралари чизиғининг тавсифи (шаҳар ёки туманни тузиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

таркибига тугатилаётган шаҳар ёки туман ҳудуди ўтказилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ва маъмурий-ҳудудий бирликлар чегаралари чизиғининг тавсифи (шаҳар ёки туманни тугатиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

шаҳар ёки туманни тузиш ёки тугатиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимининг шаҳар ёки туманни тузиш ёки тугатиш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимининг шаҳар ёки туманни тузиш ёки тугатиш ҳақидаги илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шаҳар ёки туманни тузиш ёки тугатиш тўғрисидаги таклифни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари лойиҳаларини ўн кун ичида тайёрлайди ҳамда ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун киритади.

### 19-модда. Қорақалпоғистон Республикасида туманларни, Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарларни ва шаҳарларда туманларни тузиш ҳамда тугатиш

Қорақалпоғистон Республикасида туманларни, Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарларни ва шаҳарларда туманларни тузиш ва тугатиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

тегишли туман ёки шаҳарни тузиш ёки тугатиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган таклиф;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

туман ёки шаҳар чегараларининг ва туман ёки шаҳар таркибига ҳудудлари ўтказилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда туман ёки шаҳар чегаралари чизиғининг тавсифи (туман ёки шаҳарни тузиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

таркибига тугатилаётган туман ёки шаҳар ҳудуди ўтказилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ва маъмурий-ҳудудий бирликлар чегаралари чизиғининг тавсифи (туман ёки шаҳарни тугатиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

туман ёки шаҳарни тузиш ёки тугатиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг тегишли туман ёки шаҳарни тузиш ёки тугатиш тўғрисидаги таклифи келиб тушгандан кейин ўн кун ичида уни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига туман ёки шаҳарни тузиш ёки тугатишга розилик бериш масаласини кўриб чиқиш учун юборади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ўттиз кун ичида ушбу масалани кўриб чиқади ва туман ёки шаҳарни тузиш ёки тугатишга розилик бериш масаласи бўйича қарорлар қабул қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг туман ёки шаҳарни тузиш ёки тугатишга розилик бериш тўғрисидаги қарорлари келиб тушгандан кейин ўн кун ичида туман ёки шаҳарни тузиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

### 20-модда. Шаҳарчаларни, қишлоқларни ва овулларни тузиш ҳамда тугатиш

Шаҳарчаларни, қишлоқларни ва овулларни тузиш ҳамда тугатиш тегишли туманлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан амалга оширилади.

Тегишли туман ҳокими халқ депутатлари вилоят Кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш ёки тугатиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли туман халқ депутатлари Кенгашининг шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш ёки тугатиш масаласига доир қарори;

туман ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

шаҳарча, қишлоқ ёки овул чегараларининг ва шаҳарча, қишлоқ ёки овул таркибига ҳудудлари ўтказилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда шаҳарча, қишлоқ ёки овул чегаралари чизиғининг тавсифи (шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

таркибига тугатилаётган шаҳарча, қишлоқ ёки овул ҳудуди ўтказилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ва маъмурий-ҳудудий бирликлар чегаралари чизиғининг тавсифи (шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тугатиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш ёки тугатиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши тегишли туман ҳокимининг шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш ёки тугатиш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

### 21-модда. Қорақалпоғистон Республикасида туман бўйсунувидаги шаҳарларни, шаҳарчаларни, қишлоқларни ва овулларни тузиш ҳамда тугатиш

Қорақалпоғистон Республикасида туман бўйсунувидаги шаҳарларни, шаҳарчаларни, қишлоқларни ва овулларни тузиш ҳамда тугатиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тегишли туманлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли туман ҳокими Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш ёки тугатиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

халқ депутатлари туман Кенгашининг шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш ёки тугатиш масаласига доир қарори;

туман ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овул чегараларининг ва шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овул таркибига ҳудудлари ўтказилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овул чегаралари чизиғининг тавсифи (шаҳар, шаҳарчани, қишлоқни, овулни тузиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

таркибига тугатилаётган шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овул ҳудуди ўтказилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ва маъмурий-ҳудудий бирликлар чегаралари чизиғининг тавсифи (шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тугатиш тўғрисидаги таклифга илова қилинади);

шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш ёки тугатиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тегишли туман ҳокимининг шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш ёки тугатиш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Тегишли туман ҳокимининг шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш ёки тугатиш ҳақидаги илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши туман бўйсунувидаги шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулни тузиш ёки тугатиш тўғрисидаги таклифни ўн кун ичида тайёрлайди ҳамда ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига кўриб чиқиш учун киритади.

## 5-боб. Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирликларининг чегараларини ўзгартириш

### 22-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг чегараларини ўзгартириш

Қорақалпоғистон Республикасининг чегаралари фақат унинг розилиги билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ўзгартирилиши мумкин.

### 23-модда. Вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш

Вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

(Давоми 7-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 6-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

вилоятларнинг ёки Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш зарурлиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги асослантирилган таклиф;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари лойиҳалари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

вилоят ёки Тошкент шаҳри чегараларининг ҳамда вилоятнинг ёки Тошкент шаҳрининг чегаралари ўзгариши муносабати билан чегаралари ўзгартирилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда вилоят ёки Тошкент шаҳри чегаралари чизиғининг тавсифи;

вилоятнинг ёки Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китобларни ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

### 24-модда. Республика бўйсунувидаги шаҳарлар чегараларини ўзгартириш

Республика бўйсунувидаги шаҳарлар чегараларини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

республика бўйсунувидаги шаҳар чегараларини ўзгартириш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган таклиф;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари лойиҳалари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

республика бўйсунувидаги шаҳар чегараларининг ва республика бўйсунувидаги шаҳар чегараларининг ўзгариши муносабати билан чегаралари ўзгартирилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда республика бўйсунувидаги шаҳар чегаралари чизиғининг тавсифи;

республика бўйсунувидаги шаҳарнинг чегараларини ўзгартириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

### 25-модда. Вилоят ёки туман бўйсунувидаги шаҳарларнинг, вилоятлар туманларининг, Тошкент шаҳри туманларининг ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туманларининг чегараларини ўзгартириш

Вилоят ёки туман бўйсунувидаги шаҳарларнинг, вилоятлар туманларининг, Тошкент шаҳри туманларининг ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туманларининг чегараларини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

тегишли шаҳар ёки туманнинг чегараларини ўзгартириш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг шаҳар ёки туманнинг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ҳақидаги қарори;

тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

шаҳар ёки туман чегараларининг ва шаҳар ёки туманнинг чегаралари ўзгариши муносабати билан чегаралари ўзгартирилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда шаҳар ёки туман чегаралари чизиғининг тавсифи;

шаҳар ёки туманнинг чегараларини ўзгартириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимининг шаҳар ёки туманнинг чегараларини ўзгартириш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимининг илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шаҳар ёки туманнинг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари лойиҳаларини ўн кун ичида тайёрлайди ва ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун киритади.

### 26-модда. Қорақалпоғистон Республикасида туманларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарларнинг ва шаҳарларда туманларнинг чегараларини ўзгартириш

Қорақалпоғистон Республикасида туманларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарларнинг ва шаҳарларда туманларнинг чегараларини ўзгартириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тегишли туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли туман ёки шаҳар ҳокими Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

тегишли туман ёки шаҳарнинг чегараларини ўзгартириш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли туман ёки шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг туман ёки шаҳарнинг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ҳақидаги қарори;

туман ёки шаҳар ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

туман ёки шаҳарнинг чегаралари ўзгариши муносабати билан чегаралари ўзгартирилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда туман ёки шаҳар чегаралари чизиғининг тавсифи;

туман ёки шаҳарнинг чегараларини ўзгартириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тегишли туман ёки шаҳар ҳокимининг туман ёки шаҳарнинг чегараларини ўзгартириш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Тегишли туман ёки шаҳар ҳокимининг туман ёки шаҳарнинг чегараларини ўзгартириш ҳақидаги илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши туман ёки шаҳарнинг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифни ўн кун ичида тайёрлайди ва ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига кўриб чиқиш учун киритади.

### 27-модда. Шаҳарчаларнинг, қишлоқларнинг ва овулларнинг чегараларини ўзгартириш

Шаҳарчаларнинг, қишлоқларнинг ва овулларнинг чегараларини ўзгартириш халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тегишли туманлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли туман ҳокими халқ депутатлари вилоят Кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегараларини ўзгартириш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли туман халқ депутатлари Кенгашининг шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегараларини ўзгартириш масаласига доир қарори;

туман ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

шаҳарча, қишлоқ ёки овул чегараларининг ва шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегаралари ўзгариши муносабати билан чегаралари ўзгартирилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда шаҳарча, қишлоқ ёки овул чегаралари чизиғининг тавсифи;

шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегараларини ўзгартириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши тегишли туман ҳокимининг шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегараларини ўзгартириш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

### 28-модда. Қорақалпоғистон Республикасида туман бўйсунувидаги шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг чегараларини ўзгартириш

Қорақалпоғистон Республикасида туман бўйсунувидаги шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг чегараларини ўзгартириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тегишли туманлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли туман ҳокими Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегараларини ўзгартириш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли туман халқ депутатлари Кенгашининг шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегараларини ўзгартириш масаласига доир қарори;

туман ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овул чегараларининг ва шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегаралари ўзгариши муносабати билан чегаралари ўзгартирилаётган маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овул чегаралари чизиғининг тавсифи;

шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегараларини ўзгартириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тегишли туман ҳокимининг шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегараларини ўзгартириш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Тегишли туман ҳокимининг шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегараларини ўзгартириш ҳақидаги илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ёки овулнинг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифни ўн кун ичида тайёрлайди ва ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига кўриб чиқиш учун киритади.

## 6-боб. Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш

### 29-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ва кўчириш

Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ва кўчириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ёки кўчириш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган таклиф;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ёки кўчириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ёки кўчириш тўғрисидаги таклифи келиб тушгандан кейин ўн кун ичида уни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ёки кўчиришга розилик бериш масаласини кўриб чиқиш учун юборади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ўттиз кун ичида ушбу масалани кўриб чиқади ва Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ёки кўчиришга розилик бериш масаласи бўйича қарорлар қабул қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ёки кўчиришга розилик бериш тўғрисидаги қарорлари келиб тушгандан кейин ўн кун ичида Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ёки кўчириш тўғрисида қарор қабул қилади.

### 30-модда. Вилоятларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш

Вилоятларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тегишли вилоятлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

вилоятнинг маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли вилоят халқ депутатлари Кенгашининг вилоят маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш масаласига доир қарори;

тегишли вилоят ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

вилоятнинг маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли вилоят ҳокимининг вилоят маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Тегишли вилоят ҳокимининг вилоят маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш ҳақидаги илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вилоятнинг маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш ҳақидаги таклифни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари лойиҳаларини ўн кун ичида тайёрлайди ҳамда ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун киритади.

### 31-модда. Вилоят туманларининг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш

Вилоят туманларининг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тегишли туманлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли туман ҳокими халқ депутатлари вилоят Кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

туманнинг маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли туман халқ депутатлари Кенгашининг туманнинг маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш масаласига доир қарори;

туман ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

туманнинг маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши тегишли туман ҳокимининг туман маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллаш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

### 32-модда. Қорақалпоғистон Республикасида туманларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш

Қорақалпоғистон Республикасида туманларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тегишли туманлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли туман ҳокими Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

туманнинг маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

халқ депутатлари туман Кенгашининг туман маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш масаласига доир қарори;

туман ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

туманнинг маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тегишли туман ҳокимининг туман маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Тегишли туман ҳокимининг туман маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш ҳақидаги илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши туманнинг маъмурий марказини белгилаш ёки кўчириш ҳақидаги таклифни ўн кун ичида тайёрлайди ва ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига кўриб чиқиш учун киритади.

## 7-боб. Маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйсунувини ўзгартириш

### 33-модда. Шаҳарларни республика бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш

Шаҳарларни республика бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

шаҳарни республика бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган таклиф;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари лойиҳалари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

шаҳарни республика бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

### 34-модда. Шаҳарларни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш

Шаҳарларни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тегишли вилоятлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

шаҳарни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

халқ депутатлари вилоят Кенгашининг шаҳарни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш масаласига доир қарори;

вилоят ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

шаҳарни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли вилоят ҳокимининг шаҳарни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Вилоят ҳокимининг шаҳарни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш ҳақидаги илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шаҳарни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш ҳақидаги таклифни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари лойиҳаларини ўн кун ичида тайёрлайди ҳамда ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун киритади.

### 35-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг туман бўйсунувидаги шаҳарларини Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш

Қорақалпоғистон Республикасининг туман бўйсунувидаги шаҳарларини Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

туман бўйсунувидаги шаҳарни Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган таклиф;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

туман бўйсунувидаги шаҳарни Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

### 36-модда. Шаҳарчаларни туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш

Шаҳарчаларни туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тегишли вилоятлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

халқ депутатлари вилоят Кенгашининг шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш масаласига доир қарори;

вилоят ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли вилоят ҳокимининг шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Тегишли вилоят ҳокимининг шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш ҳақидаги илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш ҳақидаги таклифни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қарорлари лойиҳаларини ўн кун ичида тайёрлайди ҳамда ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун киритади.

### 37-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳарчаларини туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш

Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳарчаларини туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тегишли туманлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли туман ҳокими Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли туман халқ депутатлари Кенгашининг шаҳарчаларни туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш масаласига доир қарори;

туман ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тегишли туман ҳокимининг шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Тегишли туман ҳокимининг шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш ҳақидаги илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши шаҳарчани туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш тўғрисидаги таклифни ўн кун ичида тайёрлайди ва ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига кўриб чиқиш учун киритади.

### 38-модда. Қишлоқлар ва овулларни шаҳарчалар тоифасига киритиш

Қишлоқлар ва овулларни шаҳарчалар тоифасига киритиш халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тегишли туманлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли туман ҳокими халқ депутатлари вилоят Кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

қишлоқни ёки овулни шаҳарчалар тоифасига киритиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли туман халқ депутатлари Кенгашининг қишлоқлар ва овулларни шаҳарчалар тоифасига киритиш масаласига доир қарори;

туман ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

қишлоқни ёки овулни шаҳарчалар тоифасига киритиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши тегишли туман ҳокимининг қишлоқ ёки овулни шаҳарчалар тоифасига киритиш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

### 39-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқлари ва овулларини шаҳарчалар тоифасига киритиш

Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқлари ва овулларини шаҳарчалар тоифасига киритиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тегишли туманлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Тегишли туман ҳокими Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

қишлоқни ёки овулни шаҳарчалар тоифасига киритиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослантирилган илтимоснома;

тегишли туман халқ депутатлари Кенгашининг қишлоқлар ва овулларни шаҳарчалар тоифасига киритиш масаласига доир қарори;

туман ҳокими томонидан ташкил этилган комиссия хулосаси;

қишлоқни ёки овулни шаҳарчалар тоифасига киритиш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбалари.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тегишли туман ҳокимининг қишлоқни ёки овулни шаҳарчалар тоифасига киритиш ҳақидаги илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичида кўриб чиқади ва уни маъқуллайди ёки рад этади.

Тегишли туман ҳокимининг қишлоқни ёки овулни шаҳарчалар тоифасига киритиш ҳақидаги илтимосномаси маъқулланган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қишлоқни ёки овулни шаҳарчалар тоифасига киритиш ҳақидаги таклифни ўн кун ичида тайёрлайди ва ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига кўриб чиқиш учун киритади.

## 8-боб. Якунловчи қоидалар

### 40-модда. Маъмурий-ҳудудий тузилиш соҳасидаги ишларни молиялаштириш

Маъмурий-ҳудудий тузилиш соҳасидаги ишларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

### 41-модда. Маъмурий-ҳудудий тузилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Маъмурий-ҳудудий тузилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### 42-модда. Низоларни ҳал этиш

Маъмурий-ҳудудий тузилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

### 43-модда. Маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этишда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

Маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этишда юридик ёки жисмоний шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши керак.

### 44-модда. Айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»**ги 276–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 139-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги 714–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда) **34-банди**;

3) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрда қабул қилинган **«Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–304-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 274-модда) **3-моддаси**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июнда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–436-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 6, 300-модда) **16-моддаси**.

### 45-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

### 46-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

### 47-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 28 август
№ ЎРҚ—635

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 29 йиллигига

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ РИВОЖИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Янги Ўзбекистон — вакиллик органлари ривожининг янги босқичи” мавзуида парламент конференцияси бўлиб ўтди.*

*Ватанимиз Мустақиллигининг 29 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуманда парламент аъзолари билан бир қаторда, жойлардан видеоконференцалоқа орқали халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ва сиёсий партиялар раҳбарлари ҳамда фаоллари иштирок этди.*

Конференцияда ҳокимият вакиллик органлари, барча даражадаги депутатлар корпуси фаолиятининг мамлакатимизда демократияни янада ривожлантириш, ҳақиқий халқ ҳокимиятчилиги, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини янада кучайтиришдаги ўрни ва аҳамияти иштирокчилар диққат-эътиборида бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов ўз сўзида Ўзбекистон парламентини институциявий жиҳатдан ривожлантиришда мамлакат Президенти халқ билан, халқнинг ўзи танлаган қонуний вакиллари билан мулоқотнинг тубдан янги механизмини таклиф этганлигини алоҳида таъкидлади. 2017 йилдан эътиборан Ўзбекистон раҳбарининг мамлакат парламентига мурожаат билан чиқиш институти жорий этилгани, ушбу теран сиёсий ва ҳуқуқий мазмун-моҳиятга эга бўлган муҳим тартиб-таомил парламентнинг мамлакат ҳаётидаги роли ҳамда ўрнини чинакамига ошириш, Президентнинг сиёсий йўлини кенг миқёсда қўллаб-қувватлаш борасида ижтимоий муштаракликни таъминлаш учун янги имкониятларни вужудга келтирганини қайд этиб ўтди.

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида ҳокимият вакиллик органлари институциявий, ташкилий жиҳатдан тизимли равишда ривожланиб, халқ вакилларининг фаолияти эса доимий такомиллашиб борди.

Икки палатали парламент, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари ўзининг кундалик самарали фаолияти билан мамлакат тараққиётига, кўзланган мақсадларга эришилишига муҳим ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистон парламентида барча сиёсий партиялар хоҳиш-иродасининг, қарашларининг тўлиқ уйғунлигига эришилди. Шунингдек, давлат бошқарувини ташкил этиш тизимида “Халқ ҳокимиятчилиги” тамойилига асосланган вакиллик органларининг роли нақадар муҳим эканлигини англаб етишга нисбатан давлатимиз раҳбарининг том маънодаги демократик ёндашуви хусусида асосли ва ишончли хулоса шаклланди.

Ҳокимиятнинг вакиллик органлари фаолиятининг ишлаш принципларида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлисга ҳар йили йўлланадиган Мурожаатномасида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши миллий парламентимиз фаолиятини тубдан модернизация қилиш ҳамда депутатлар корпуси фаолияти самарадорлигини ошириш учун мустаҳкам базани шакллантириш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлди.

Бугун парламент мутлақо янгича шароитда, ўзига хос шаклда фаолият олиб бормоқда. Унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатлари янада кенгайтирилди. Хусусан, парламент фаолияти тарихида илк бор жорий этилган “Ҳукумат соати” жойларда аҳолини ташвишлантираётган муаммоларни ҳал этишда Ҳукумат билан парламент ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг энг самарали усулларидан бири сифатида шаклланди.

Парламентнинг халқаро ҳамкорлик йўналишига ҳам янгича мазмун ва маъно кириб келди. Ўзбекистон парламенти ҳозирда парламентлараро халқаро ташкилотларда фаол иштирок этмоқда. Хорижий давлатлар билан икки томонлама парламентлараро ҳамкорлик гуруҳларини ташкил қилиш кўлами кенгайиб, уларнинг сони 42 тага етди. Мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш бўйича Олий Мажлис палаталари Кенгашлари томонидан “йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, уларнинг амалда рўёбини таъминлашга киришилди. Буларнинг барчаси парламент дипломатияси ривожланиб бораётганини англатади.

Бугунги кунда давлатимиз ва жамиятимиз учун мураккаб бўлиб турган, коронавирус пандемияси туфайли киритилган қатор чекловлар даврида барча даражадаги депутатлар ўз сайловчилари билан алоқани узмадилар. Сайлов округларидаги ишлар тизимли ташкил қилинмоқда. Мамлакатимиз Президенти томонидан коронавирус пандемияси оқибатларини бартараф этиш бўйича илгари сурилган чораларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг ижросини назорат қилиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий устувор йўналишларидан бири бўлди.

Конференцияда охирги тўрт йил давомида маҳаллий Кенгашлар фаолиятида ҳам жиддий ўзгаришлар кузатилаётгани, одамларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилиш борасидаги фаоллиги ошганига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Бунда Кенгашлар йиғилишлари мунтазам равишда ўтказилмоқда, уларда маҳаллий бюджетларни тасдиқлаш, уларнинг ижросини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини кафолатлаш, ҳудудлар тараққиётига оид бошқа долзарб масалалар тизимли равишда кўриб борилмоқда. Ҳокимлар ва бошқарув органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилмоқда. Яқинда Қонунчилик палатасида қабул қилинган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларини ахборотга оид ва маълумотнома материаллари билан таъминлаш, шунингдек, депутатларнинг фаолиятига доир масалалар юзасидан мутахассислар маслаҳатларини олиш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган қонун маҳаллий Кенгашлар мустақиллигини таъминлашда яна бир муҳим қадам бўлгани таъкидланди.

Тадбирда айни пайтда ҳудудларда бўлиб турган сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва Ёшлар парламенти аъзолари онлайн тарзда марказий студияга уланиб, конференция иштирокчилари олдида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Анжуман якунида истиқболда парламентни янада ривожлантиришнинг муҳим масалаларини аниқлаш, ҳокимият вакиллик органлари фаолиятининг роли ва аҳамияти, ҳақиқий халқ ҳокимиятчилиги механизмларини, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича депутатлик корпусининг фаолиятини кучайтириш юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).**

## Сўз — конференция иштирокчиларига

**Дилором ИМОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Дарҳақиқат, кейинги тўрт йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимиз ҳаёти ва дунёқарашини тубдан ўзгартирган ҳолда аҳоли фаровонлигини таъминлашга, жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон обрў-эътибори, нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Энг аввало, парламент ҳамда сиёсий партияларнинг роли янада кучайтирилганини таъкидлаш жоиз. Парламент аъзоларининг қонун лойиҳаларини кўриш билан чекланиб қолмай, балки жойларга чиқиб, халқнинг турмуш даражасидан хабардор бўлиш, одамларни қийнаётган муаммоларни тизимли таҳлил қилиш ва ҳал этишда бевосита қатнашиши белгиланди. Миллий парламентнинг ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат олиб бориш бўйича ваколатлари кенгайтирилди. Албатта, бу Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси самарасидир. Бинобарин, мазкур ҳужжатда асосий эътибор “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” концепцияси қоидаларини мужассамлаштирган ҳолда давлат ва жамият қурилишининг туб ўзгаришларига, парламент фаолиятини чуқур ислоҳ қилишга қаратилди.

**Назира МАТЯҚУБОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати:**

— Кейинги йилларда маҳаллий Кенгашларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш борасидаги ҳуқуқий асослар босқичма-босқич такомиллаштириб борилмоқда. Айниқса, қонунчилигимиздаги кейинги ўзгаришларга кўра, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари фаолиятига ташкилий, техникавий хизмат кўрсатиш вазифасини ҳокимликлар аппаратидан тегишли халқ депутатлари Кенгаши котибиятига ўтказиш, котибиятга юридик шахс мақомини бериш ва унинг фаолиятини тегишли маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштириш назарда тутилаётгани маҳаллий Кенгаш депутатларининг фаолиятини янада самарали олиб боришда муҳим аҳамият касб этади. Яъни депутатлар билан бевосита ишлайдиган алоҳида ваколатли тузилма шаклланади. Ўз навбатида, бу Кенгашларнинг давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан депутатлик назоратини таъминлашга имкон яратади.

Албатта, мамлакатимизда жуда катта ўзгариш ва янгиланишлар маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини шунга мос равишда уюштиришни талаб қилади. Бугунги кунга келиб, бу борада сезиларли натижаларга эришилаётганини ҳам қайд этиш жоиз. Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг узвий ҳамкорлиги йўлга қўйилгани, жойлардаги ислоҳотлар натижалари биргаликда таҳлил қилинаётгани, мавжуд муаммолар ҳамжиҳатликда ҳал этилаётгани маҳаллий Кенгаш депутатларининг яхши тажрибаларни тўплашига хизмат қилмоқда.

**Мирзо ИХТИЁРОВ,
халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши депутати:**

— Бугун сенатор ва депутатларимиз юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол тарғиботчисига айланди. Улар қонунлар ижроси, аксарият соҳалардаги ислоҳотлар, янгилик ва ўзгаришларнинг амалга оширилишида иштирок этишмоқда.

Ҳозирги вақтда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар фаолиятини кучайтириш масаласига ҳам муҳим жараёнлардан бири сифатида қараляпти.

Бинобарин, шу йилнинг январь ойида Олий Мажлис Сенатининг дастлабки ялпи мажлисида Президентимиз маҳаллий Кенгашлар иши самарадорлигини ошириш, уларнинг назорат фаолиятини кучайтириш бўйича муҳим таклифларни билдирган эди. Хусусан, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашини намунали Кенгашга айлантириш ташаббуси илгари сурилганди. Шундан келиб чиқиб, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши котибияти, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар ва Оқдарё туманлари котибиятлари тузилди. Айни пайтда мазкур маҳаллий Кенгашларда уч кишидан иборат котибиятлар ўз фаолиятини олиб бормоқда. Энг муҳими, бу маҳаллий Кенгашнинг ижро ҳокимиятидан мустақил қилиш йўлидаги қадам бўлди.

Мазкур тажрибанинг бошқа шаҳар ва туманлар Кенгашлари фаолиятига босқичма-босқич жорий этиб борилиши эса маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ривожланишига хизмат қилади.

**Исломиддин АБРАРОВ,
халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши депутати:**

— Қабул қилинаётган қонунлар жамиятда инсон манфаатларига хизмат қилсагина уларнинг ҳаётийлиги таъминланади.

Шу нуқтаи назардан айтганда, Президентимизнинг тавсияларига асосан парламент томонидан қабул қилинаётган қонунлар ҳудудларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, дастлаб уларнинг лойиҳаларини туман, шаҳар, вилоят Кенгашларида муҳокамадан ўтказиш тажрибаси жорий этилди. Ҳатто Ўзбекистон раҳбарининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир Фармон ва қарорлари ижтимоий тармоқлардаги сайтларга жойлаштирилиб, аҳоли муҳокамасидан ўтказиб борилмоқдаки, бу халқаро ташкилотларнинг эътирофига сазовор бўлмоқда. Шу билан бирга, маҳаллий Кенгашларда маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда сектор раҳбарларининг ахборот ва ҳисоботларини эшитиб бориш амалиёти йўлга қўйилганлиги ижро ҳокимияти фаолияти устидан назоратни кучайтириш, жойларда содир этилаётган қонунбузарликларнинг олдини олиш, ҳокимият идоралари ҳамда сектор раҳбарларининг ўз вазифаларини ижро этишда масъулиятини оширишга ҳам олиб келяпти.

**Камолахон АБРОРХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси:**

— Президентимизнинг сиёсий майдонга ёшларни олиб кириш, уларни ҳар соҳада илғор кадр қилиб тайёрлаш жараёнида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тажрибасидан фойдаланиш ва халқнинг вакили сифатида фаоллигига таяниш, дунёқарашидан андоза олиш ташаббуси рўёбга чиқарилгани янги Ўзбекистондаги шаффоф ҳамда одилона сиёсат намунасидир. Олдимизда турган вазифаларнинг жиддийлигини ҳис қилиб, халқнинг, ёшларнинг вакили сифатида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳадаги муаммоларнинг олдини олиш йўлида доим хизматга тайёрмиз.

Биз — Ёшлар парламенти аъзолари халқ фикрини ўрганиш ва қонунчилигимизда ислоҳ қилиниши лозим бўлган масалалар устида фикр юритиб, таклифлар беришга амалий ёндашишни асосий бурчимиз, деб биламиз. Бу жараёнда бор билим ва имкониятларимизни ишга соламиз.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН




ИПАК ЙЎЛИ БАНКИ

«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки

комплекс суғурта (Bankers Blanket Bond) қилиш бўйича шартнома тузиш мақсадида, суғурта ташкилотлари орасида

танлов ўтказилишини маълум қилади.

Танловда иштирок этиш ва танловга оид ҳужжатларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
**100017, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 2-уй.**

Танлов ҳужжатлари
**2020 йил 28 сентябрь соат 12.00 гача**
қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар:
**78-140-69-39, 78-140-69-00 (ички. 1259).**

Масъул ходим: Улуғбек Примқулов.

E-mail: u.primkulov@ipakyulibank.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси жамоаси Администрация масъул ходими Ирғаш Иноятович Даминовга онаси
**ОЙША аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 31 961 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.25 Топширилди — 03.30 1 2 3 4 5 6